

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

3/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 12 мартда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 11. Нашр адади 6230 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташкilotлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....10

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....13

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ.....22

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Г. Парпиева, М. Рабиева. Мехнат-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар...29

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

О. Сулайманов. Судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишларини қўзғатиш асослари: халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси.....32

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ғ. Воҳидов. Жиноят оқибатида шахсга етказилган зарарни ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари.....35

МУНОСАБАТ

А. Пайғамов. Иқтисодий судларда даъвони таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....39

ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ж. Иброҳимов. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг субъектив белгилари.....42

МОЗИЙГА НАЗАР

Т. Умаров, Н. Мирзаев. Самарқанд қозилик маҳкамалари тарихи тажрибасидан.....46

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**АПЕЛЛЯЦИЯ ВА КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ
СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ
ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

2019 йил 24 декабрь

26-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) амалга киритилганлиги ва суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, ишларни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда ИПК нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция ҳамда кассация инстанцияси судларида қайта кўриш ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб, биринчи инстанция судининг хатоларини бартараф этиш имконини беради.

2. ИПК 259-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга

кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоят, прокурор эса, апелляция протести беришга ҳақлидир.

Айнан шу шахслар қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикоят, прокурор эса, кассация протести беришга ҳақлидир (ИПК 282-моддасининг биринчи қисми).

Иқтисодий судларга (бундан буён матнда судлар деб юритилади) тушунтирилсинки, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилинган шахснинг (шу жумладан, жисмоний шахснинг) апелляция, кассация шикоятини кўришда, бундай шахс ИПК 42-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

3. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция, кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан нафақат тўлиқ, балки унинг бир қисмига нисбатан ҳам берилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг асослантувчи қисми ҳам, хулоса қисми ҳам шикоят (протест) беришнинг мустақил предмети бўлиши мумкин.

ИПК 259-моддасининг биринчи қисми ва 282-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар ИПК 189-моддасига мувофиқ, қабул қилинган қўшимча ҳал қилув қарорига ҳам апелляция ёки кассация шикояти (протести) беришга ҳақлидир. Бунда шуни назарда тутиш керакки, қўшимча ҳал қилув

қарори устидан апелляция (кассация) шикоятти (протести) бериш муддати асосий ҳал қилув қарори қабул қилинган (қонуний кучга кирган) кундан ҳисобланади.

4. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, гарчи шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асослар мавжуд бўлса-да, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни апелляция, кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Биринчи инстанция суди томонидан шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал этилишига йўл қўйилмайди.

Биринчи инстанция судига шикоятга алоқадор қўшимча ҳужжатлар ёки бошқа шахслар томонидан янги шикоят берилган тақдирда, улар ҳам апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборилади.

Агар апелляция ёки кассация шикоятти (протести) ҳал қилув қарорини тушунтириш, ҳал қилув қарориди йўл қўйилган хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш, суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибининг ўзгартириш тўғрисидаги аризалар бўйича суд мажлиси тайинлангандан кейин келиб тушса, биринчи инстанция суди бундай ариза бўйича иш юритишни ИПК 101-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тўхтатиб қўяди, ишни эса шикоят (протест) билан бирга апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборади.

5. Умумий қоидага кўра, ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятти (протести) у биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин. Шу билан бирга шуни инобатга олиш лозимки, суднинг содалаштирилган иш юритиш тартибиди, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятти (протести) у қабул қилингандан кейин ўн кун ичида берилади.

Кассация шикоятти (протести) ҳар қандай

иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Судларга тушунтирилсинки, апелляция тартибиди шикоят қилиш (протест бериш) муддатини ҳисоблаш ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан кейинги кундан, кассация тартибиди шикоят қилиш (протест бериш) муддати эса, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган санадан кейинги кундан бошланади.

6. ИПК 262-моддасининг учинчи қисми ва 285-моддасининг иккинчи қисмига кўра, апелляция, кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, у шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномасига кўра, тегишли равишда апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тикланиши мумкин.

Илтимосномада шикоятни (протестни) берган шахс ҳавола этаётган муддатнинг ўтказиб юборилиши сабаблари кўрсатилиши ва асослантирилиши лозим. Илтимоснома шикоят (протест) матнида ёки алоҳида аризада баён этилиши мумкин ва шикоят (протест) билан бир вақтда берилиши лозим.

Судлар шуни инобатга олиши лозимки, агар ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома шикоят (протест) қайтарилгунга қадар берилган бўлса, у шикоят (протест) билан бирга берилган ҳисобланади.

Судларга тушунтирилсинки, ИПК 262-моддасининг учинчи қисми ва 285-моддасининг иккинчи қисмида апелляция, кассация шикоятти бериш муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш учун белгиланган икки ойлик ҳамда олти ойлик муддат қатъий ҳисобланади ва ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган бундай муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган апелляция, кассация шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 4-банди ва 291-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан рад этилиши лозим. Апелляция, кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам

бундай шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар билан рад этилади.

Агар апелляция, кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, апелляция, кассация шикояти бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ҳамда 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

7. Апелляция, кассация шикоятини (протестини) бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан, апелляция, кассация инстанцияси судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Муддат ўтказиб юборилганлигининг узрли сабаблари сифатида судга бундай шикоят (протест) билан ўз вақтида муурожаат қилишга объектив равишда тўсқинлик қилган ҳолатлар ҳисобланиши мумкин.

Апелляция, кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тикланиши сабаблари ҳақида шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

8. Апелляция, кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни, тегишлича, ИПК 263 ва 286-моддалари талабларига мос бўлиши керак.

Апелляция, кассация шикояти уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёхуд бошқа ҳужжат илова қилинади.

Агар шикоятни қабул қилишда судьяда уни имзолаган шахсда таъсис ҳужжатларига мувофиқ шикоятни имзолаш ҳуқуқи борлиги борасида шубҳа туғилса, судья апелляция, кассация шикоятини иш юритишга қабул қилади ва аризага унинг шикоятни имзолашга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишни таклиф қилади. Шикоятни имзолаш ваколатини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаганда, апелляция, кассация инстанцияси суди шикоятни ИПК 272-моддасининг биринчи қисми, 295-моддасининг би-

ринчи қисмига асосан кўрмасдан қолдиради.

9. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, апелляция, кассация шикоятига давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилиниши керак, тўлов электрон тарзда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Шикоятга (протестга) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция, кассация шикояти (протести) ва унга илова қилинган, уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлиги ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак.

Қайд этилган талабларга риоя этмаслик, шикоятни (протестни) ИПК 269-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларига, 292-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларига асосан қайтариш учун асос бўлади.

10. Судлар шуни эътиборга олиши керакки, ИПК 269-моддасининг биринчи қисми ва 292-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган апелляция, кассация шикоятини (протестини) қайтариш асосларининг рўйхати тугал бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

11. Судлар даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан берилган шикоятга (протестга) қайтарилган даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига (протестига) эса, қайтарилган апелляция шикояти (протести) ва унга илова қилинган ҳужжатлар илова қилиниши кераклигига эътибор қаратиши керак.

Ушбу талабларга риоя қилмаслик шикоятни (протестни) қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда судья шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилади ва аризага кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишни таклиф қилади.

12. Апелляция, кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш, қайтариш тўғрисидаги масала шикоят (протест) иш билан бирга судга

келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда ҳал қилинади (ИПК 266-моддасининг биринчи қисми, 289-моддасининг биринчи қисми).

Апелляция, кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилганда, ажримнинг кўчирма нусхаси шикоят (протест) ва илова қилинган ҳужжатлар билан бирга шикоятни (протестни) берган шахсга юборилади. Шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

13. ИПКда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда берилган шикоят (протест) апелляция, кассация инстанцияси судининг иш юритувига қабул қилинади. Шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда шикоятни (протестни) кўриш бўйича суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга, протестни берган прокурорга, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган, шикоят берган шахсга юборилади.

14. Шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинганидан кейинги барча суд ҳужжатлари ҳайъатда қабул қилинади.

15. Судларга тушунтирилсинки, ИПК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, Савдо-саноат палатаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ш. к.) фақат даъво улар томонидан берилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан апелляция, кассация тартибида шикоят бериши мумкин.

Улар томонидан бундай шикоят берилган бошқа ҳолларда, уни қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади.

16. Шикоят (протест) қонун ҳужжатларига мувофиқ апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиниши (протест берилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса, шикоятни (протестни) қабул қилиш

ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 2-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан рад этилади.

ИПКга кўра, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш ва ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари (ИПК 23-моддаси); ишни бошқа иқтисодий судга тегишлилиги бўйича ўтказиш (ИПК 39-моддаси); ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси); ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари); мутахассисни суд мажлисида иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 57-моддаси); далилларни талаб қилиб олиш ва уларни турган жойида кўздан кечириш (ИПК 69, 70-моддалари); ашёвий далилларни қайтариш (ИПК 79-моддаси); экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қамоатлантиришни рад этиш (ИПК 80-моддаси); суд топшириғи (ИПК 91-моддаси); суд топшириғининг ижроси (ИПК 92-моддаси); иш юритишни тиклаш (ИПК 106-моддаси); процессуал муддатларни тиклаш (ИПК 123-моддаси); процессуал муддатни узайтириш ёки узайтиришни рад этиш (ИПК 124-модда); келишув битимини тасдиқлашни рад этиш (ИПК 134-моддаси); суд буйруғини бекор қилиш (ИПК 147-моддаси); даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгагиш (ИПК 153-моддаси); даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтиришни ёки камайтиришни, даъвогарнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ҳақида ёхуд қабул қилишни рад этиш (ИПК 157-моддаси); ишларни бирлаштириш (ИПК 158-моддаси); талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси); қарши даъвони қабул қилиш (ИПК 161-моддаси); ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (ИПК 162-моддаси); ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларини ҳал этиш (ИПК 169-моддаси); суд муҳокамасини кейинга қолдириш (ИПК 171-моддаси); қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш (ИПК 189-моддаси); қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар

бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш (ИПК 330-моддаси) ҳақидаги ажримлар, шунингдек, суд буйруғи (ИПК 143-моддаси) ва ижро варақаси (ИПК 336-моддаси) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят (протест) қилинмаслиги инобатга олинishi лозим.

17. Шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тикланиши рад этилганлиги сабабли (ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 4-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 4-банди) уни қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш нима сабабдан рад этилганлиги асослантириб берилиши, ажримнинг хулоса қисмида эса, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилганлиги кўрсатилиши керак.

Шикоятни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда, шунингдек, шикоятни беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши ва бу тўғрисида маълумотнома берилиши кўрсатилиши лозим.

18. Судларга тушунтирилсинки, шикоятда уни имзолаган шахснинг фамилияси тўлиқ, исми ёки исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари кўрсатилган бўлса, шикоятни ИПК 269-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига ҳамда 292-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтариш, агар шикоят иш юритишга қабул қилинган бўлса, уни ИПК 272-моддасининг биринчи қисми ҳамда 295-моддасининг биринчи қисмига асосан кўрмасдан қолдириш учун асос бўлмайди.

Апелляция, кассация шикояти (протести) электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши мумкин. Шикоятдаги (протестдаги) электрон рақамли имзо айна бир вақтнинг ўзида қўлда қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эгадир.

Бунда судларнинг эътибори электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимида тасдиқланишига ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимида электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаганлиги шикоятни (протестни) имзоланмаган деб баҳолаш учун асос бўлишига қаратилсин.

19. ИПК талабларига кўра, агар шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса, шикоят (протест) апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан қайтарилди. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, агар шикоят (протест) қайд этилган асос билан қайтарилса, суд ажримда шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилиши лозимлиги кўрсатилиши керак.

20. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, агар шикоятни (протестни) қайтариш учун бир нечта асослар мавжуд бўлса, суд ажримда ушбу асосларнинг ҳар бири кўрсатиб ўтилиши ва улар бартараф этилгач, шикоятни (протестни) берган шахс апелляция, кассация шикояти (протести) билан судга умумий тартибда янгидан муурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилиши керак.

21. Судларга тушунтирилсинки, апелляция, кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр ИПК 270-моддасининг биринчи қисми ва 293-моддасининг биринчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан кейин, аммо шикоят (протест) бўйича якуний қарор қабул қилинганга қадар берилган бўлса, ушбу ёзма фикр қабул қилиниши ва унга тегишли баҳо берилиши лозим.

22. Апелляция ва кассация инстанцияси судлари ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида ИПК 271-моддасининг биринчи қисми ва 294-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, берилган илтимосномани муҳокама қилишда иш ҳолатларини ва илтимосномада келтирилган вазларни ўрганиши лозим. Агар суд аризачининг вазларини асослилиги ҳақида хулосага келса, у бундай илтимосномани қаноатлантиришга ҳақли.

Суд ҳужжатининг ижроси апелляция, кассация инстанциясида иш юритиш тамомланганига қадар тўхтатиб турилиши мумкин. Бундай ҳолда судлар шуни инобатга олиши лозимки, шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижасида ҳал қилув қарори кучида қолдирилган бўлса, унинг ижросини давом эттириш (тиклаш) юзасидан алоҳида ҳужжат қабул қилинмайди.

23. Апелляция ва кассация инстанцияси судларида ИПК 101 ва 102-моддаларида назарда тутилган иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Бунда судлар шуни эътиборга олиши лозимки, ИПК101-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида суд иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур. ИПК 102-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганида эса, иш юритишни тўхтатиб туриш масаласи суд томонидан ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади. ИПК 101-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида белгиланган нормани қўллашда шуни назарда тутиш керакки, суд иш юритишни ушбу ишни конституциявий, фуқаролик, иқтисодий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибидан кўрилатган бошқа иш ёки масала бўйича қарор қабул қилинганга қадар кўриш мумкин бўлмаган ҳолда тўхтатиб туришга мажбур. Кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса-да, улар ишни кўришга тўсқинлик қилмаса, иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш мумкин эмас.

24. Шикоятдан (протестдан) воз кечилганда апелляция, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилади.

Протест чақириб олинганлиги муносабати билан у бўйича иш юритиш тугатилганлиги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни қонунда белгиланган муддатларда апелляция, кассация шикояти бериш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

25. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, агар ишда тараф бўлган юридик шахс апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан суд ҳужжати қабул қилинганга қадар тугатилган бўлса, шикоят (протест) бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 6-банди ва 296-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан тугатилади.

Агар ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўриш жараёнида ишда тараф бўлган юридик шахс биринчи инстанция суди томонидан суд ҳужжати қабул қилинганга қадар тугатилганлиги аниқланса, ушбу асос билан шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда суд ҳужжати

бекор қилинади ва иш юритиш ИПК 110-моддасининг 4-бандига асосан тугатилади.

26. ИПК 273-моддасининг иккинчи қисми ва 296-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар апелляция, кассация шикоятида (протестида) биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар билдирилган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси суди шикоятнинг (протестнинг) бу талабларга тааллуқли қисми бўйича иш юритишни тугатади.

Бунда янги талаблар деганда, биринчи инстанция судида кўриб чиқилмаган моддий-ҳуқуқий талаблар, шунингдек, биринчи инстанция судида ишни кўришда иштирок этмаган шахсга нисбатан билдирилган талаблар тушунилади.

27. Апелляция, кассация инстанцияси суди ишни суд мажлисида ИПК 34 ва 35-бобларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция судида ишни кўриш қоидалари бўйича кўриб чиқади.

Апелляция, кассация инстанцияси судида, жумладан, бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 44-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси), учинчи шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари), даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш (ИПК 157-моддаси), ишларни битта иш юритишга бирлаштириш (ИПК 158-моддаси), талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси), қарши даъвони тақдим этиш (ИПК 161-моддаси), шунингдек, қонунда фақат биринчи инстанция судида ишни кўриш учун белгиланган бошқа қоидалар қўлланилмайди.

28. Апелляция, кассация инстанцияси судининг мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган, шикоятни (протестни) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

Жамият ёки давлат манфаатларини кўзлаб кўзгатиш ишлар бўйича суд мажлисида прокурорнинг иштироки шартлигидан келиб чиқиб, бундай ишлар бўйича суд мажлисини ўтказиш жойи ва вақти тўғрисидаги суд ажрими қонунда белгиланган тартибда прокурорга юборилиши лозим.

29. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, апелляция, кассация шикоят (протести) ИПК 277-моддасининг биринчи қисми ва 300-моддасининг биринчи қисмида белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши лозим.

Алоҳида ҳолларда апелляция, кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

ИПК 171-моддаси талабидан келиб чиқиб, ушбу нормада белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина, апелляция, кассация шикояти (протести) бўйича суд муҳокамаси ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қолдирилиши мумкин.

Шуни эътиборга олиш лозимки, суд муҳокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги лозим.

30. Судлар ИПК 278-моддасининг 5-банди ва 301-моддасининг 3-банди нормаларини қўллашда шуни инобатга олиши лозимки, ҳал қилув қарори ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қабул қилинган бўлсагина, ушбу нормада кўрсатилган асос билан ишни янгидан кўриш учун юбориш мумкин.

31. Суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш деганда, ҳал қилув қарорининг асослантурувчи ва (ёки) хулоса қисмига ўзгартиришлар киритиш тушунилади.

Янги қарор деганда, апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суднинг хулосасини жиддий ўзгартирадиган қарор қабул қилиниши тушунилади.

32. Апелляция, кассация инстанцияси судлари биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари ИПК 279 ва 302-моддаларида белгиланганлигига эътибор қаратиши лозим.

Бунда судлар шуни инобатга олиши лозимки, биринчи инстанция суди томонидан ўз кучини йўқотган қонун ҳужжатларининг қўлланилганлиги ҳам моддий ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши деб баҳоланади.

Шу билан бирга назарда тутиш керакки, айрим қонун ҳужжатларида муносабатлар вужудга келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилиши назарда тутилиши мумкин.

Бундай ҳолда суд томонидан ўз кучини йўқотган ёки ўзгартирилган қонун ҳужжатлари қўлланилганлиги моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш ҳисобланмайди.

33. Апелляция, кассация инстанцияси судининг қарори ИПК 280 ва 303-моддалари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Апелляция, кассация инстанцияси судининг қароридида шикоятда (протестда) баён қилинган ҳар бир важга баҳо берилиши керак.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъво тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёки иш юритиш тугатилса ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, апелляция, кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундирув тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши кўрсатилади.

34. Апелляция ва кассация инстанцияси судлари шуни инобатга олиши лозимки, биринчи инстанция суди ажрими устидан апелляция, кассация тартибида шикоят (протест) бериш ва кўриш суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация шикояти (протести) бериш ва кўриш учун ИПК 34 ва 35-бобларида назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И. АЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

2019 йил 24 декабрь

27-сонли

Тошкент шаҳри

Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида уларни қўллашда баъзи муаммоли масалалар келиб чиқаётгани муносабати билан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори:

15-банди қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судлар шуни инобатга олиши керакки, ФКда белгилаб қўйилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган гаров шартномаси бўйича ҳам манфаатдор тарафнинг уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида талаб билдирган ёки билдирмаганидан қатъи назар, кредит шартномасидаги мажбуриятлар бўйича ундирувни гаров нарсасига қарастига йўл қўйилмайди»;

20-банди қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Шунингдек, агар гаров мажбурияти билан боғлиқ низони кўришда гаровга қўювчи гаровда бўлган мол-мулкни бошқа шахсга (гаровга олувчига) бошқа мажбуриятларни таъминлаш учун берганлиги аниқланса (навбатдаги гаров), судлар ушбу шахсни ишни юритиш ва низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга кириш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши лозим»;

23-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори **19-бандининг тўртинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Судларга тушунтирилсинки, қонунда ёки шартномада бошқача назарда тутилмаган бўлса, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади».

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли қарори:

6-бандининг биринчи хатбошидаги

«суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат ижрочисининг аризаси, у келиб тушган кундан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан ўн кунлик, иқтисодий суд томонидан эса, йигирма кунлик муддат ичида кўриб чиқилади, натижаси бўйича ажрим чиқарилади»;

9-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. ФПКнинг 454-моддаси, ИПКнинг 342-моддасига мувофиқ, суд давлат ижрочиси, ундирувчи ёки қарздорнинг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга, шунингдек, унинг ижро усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Иш бўйича қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш, тушунарсиз бўлганда ҳал қилув қарорини тушунтириш, унинг ижросини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришда судлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарорининг 10, 13, 14-бандлари тушунтиришларига, Қонун, шунингдек, мазкур Пленум қарори талабларига асосланиши лозим»;

11-банди иккинчи хатбошисининг тўртинчи кичик хатбошисидаги «суд ижрочисининг» деган сўзлар «давлат ижрочисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банди:

биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **тўртинчи кичик хатбоши** билан тўлдирилсин:

«- ундирувчи ва қарздор ўртасида медиатив келишув тузилганда»;

тўртинчи ва бешинчи кичик хатбошилари тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи кичик хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори **9-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Судларга тушунтирилсинки, даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза фақатги-

на биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати қабул қилинганга қадар берилиши мумкин. Агар бундай ариза ишни апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида кўриш жараёнида берилса, у қаноатлантирилмайди ва бу ҳақида суд ҳужжатининг асослантирувчи қисмида кўрсатилади, бундан ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган жавобгар йўқлигида кўрилганлиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори (суд ҳужжати) бекор қилиниб, низо юзасидан янги қарор қабул қилинган ҳоллар мустасно».

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:

ўзбек тилидаги матни 22-бандининг иккинчи хатбошисидаги «тегишли» деган сўз «тааллуқли» деган сўз билан алмаштирилсин;

26-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. ИПКнинг талабларига риоя этилган ҳолда берилган даъво аризаси уни иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш тўғрисида ажрим чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Судлар шуни назарда тутиши керакки, иш кўзгатишга қадар суд экспертиза тайинлашга (ИПКнинг 80-моддаси), далилларни таъминлаш чораларини кўришга (ИПКнинг 90-моддаси), суд топшириқларини беришга (ИПКнинг 91-моддаси), даъвони таъминлаш чораларини кўришга (ИПКнинг 94-моддаси), иш юритишни тўхтатишга ёки тугатишга (ИПКнинг 101, 110-моддалари), талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратишга (ИПКнинг 159-моддаси), ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга (ИПКнинг 163-моддаси), судгача мажлис ўтказишга (ИПКнинг 163¹-моддаси), ҳал қилув қарори қабул қилишга (ИПКнинг 176-моддаси) ҳақли эмас.

ИПК 162-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қонун қўллашда судлар шуни назарда тутиши лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги кўрсатма ҳамда ишда иштирок этаётган шахслар

бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва уларни бажариш муддатлари даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажримда ёхуд ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда акс эттирилиши мумкин, бироқ бу ҳужжатларнинг кетма-кетлиги процессуал ҳаракатларнинг ҳақиқий ривожланишига мувофиқ бўлиши керак. Агар судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақида алоҳида ажрим чиқаришни лозим топса, у дастлаб даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида, сўнгра ИПКнинг 162-моддасига мувофиқ, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда судлар шуни инобатга олиши лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақида алоҳида ажрим чиқариш муддати даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кундан, судгача мажлис ўтказилган ҳолларда эса, ўн беш кундан ошмаслиги керак»;

43-банди:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судлар шуни инобатга олиши лозимки, бундай даъво аризасининг нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар даъвогар томонидан ўзига маълум бўлган жавобгарнинг охириги манзилига буюртма хат билан юборилган, бироқ жавобгар буюртма хатни олишни рад этган ва мазкур рад этиш қайд этилган бўлса ёки жавобгарнинг кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли буюртма хат қайтарилган ва унда алоқа хизматининг тегишли қайди (ёзуви) бўлса, ушбу буюртма хат етказиб берилган ҳисобланади. Бунда даъво аризасига ушбу қайтарилган буюртма хат (конверт) илова қилинган бўлиши лозим»;

тўртинчи – тўққизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И. АЛИМОВ

ОЛИЙ СУД ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2020 йил 28 февралдаги Қарори билан:

1. Бобир Норбоевич **Исламов** ўн йил муддатга;
2. Абдурасул Гаппорович **Эранов** муддатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайландилар.



Бобир Норбоевич
ИСЛАМОВ



Абдурасул Гаппорович
ЭРАНОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Суд томонидан иш ҳолатлари атрофлича ва тўла ўрганилмасдан, ишда тўпланган далилларга тўғри ҳуқуқий баҳо берилмасдан, судланувчининг талончилик жиноятини содир қилганлиги тўғрисида барвақт хулосага келинганлиги суд ажримининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2008 йил 1 февралдаги ҳукмига кўра, Ш.Д. ЖК 167-моддаси учинчи қисмининг «а», «в» бандлари, 177-моддаси учинчи қисмининг «а» банди, 206-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б», «в» бандлари, 209-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди, 207-моддасининг биринчи қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 12 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Д. «Сурхон-озиковқатсаноат» АЖ раиси лавозимида ишлаб келиб, бошқа шахслар билан уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, «Сурхон-озиковқатсаноат» АЖ пахта ёғи омбор мудири Х.Ж.га ҳар ойда ортиқча ишлаб чиқарилган пахта ёғини юқори нархларда сотиб, сотувдан тушган пулларни қонунга ҳилоф равишда чет эл валютасига алмаштириб олиб келиб бериш тўғрисида топшириқ берган ва ушбу топшириқ бўйи-

ча Х.Ж. ҳар ойда жуда кўп миқдордаги пулларни қонунга ҳилоф равишда чет эл валютасига алмаштириб, ҳар ойда Ш.Д.га бериб келган.

Бундан ташқари, Ш.Д. ҳаракатларини давом эттириб, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, уюшган гуруҳ манфаатлари йўлида лаборатория мудири А.А.га «Сурхон-озиковқатсаноат» АЖга келтирилган пахта чигитини лаборатория текширувидан ўтказишда пахта чигитининг намлигини 0,5 фоизга камайтирган ҳолда хулоса тузиш бўйича тазйиқ ўтказиб, пахта чигитининг намлигини камайтириб кўрсатишга мажбур қилиб, «Сурхон-озиковқатсаноат» АЖ манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Ш.Д. ҳаракатларини давом эттириб, ем маҳсулотлари омбор мудири Б.М.га топшириқ бериши натижасида у 10-15 вагон ем маҳсулотларини ҳеч бир ҳужжатсиз ёки сохта ҳужжатлар билан чиқариб, Ш.Д.нинг танишига бериб келиб, ем маҳсулотидан 300 000 сўмдан 500 000 сўмгача пул маблағлари, АЖ раисининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари А.Ш. жамиятда ишлаб чиқарилган совун маҳсулотининг нархи устига 10 фоиздан устама қўйиб миқдорларга сотиб, 10 000 000 сўмдан 15 000 000 сўмгача пул маблағларини олиб, Ш.Д.га бериши натижасида шунча миқдордаги маблағ ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган.

Ш.Д. иш фаолияти даврида техник чигитдан маҳсулот чиқиши фоизини камайтириб кўрсатиши натижасида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, «Сурхон-озиковқатсано-

ат» АЖнинг 4 771 037 644 сўм 43 тийин жуда кўп миқдордаги маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, Ш.Д. мансабига совуққонлик билан қараб, жамият манфаатларига 29 030 681 сўмлик жуда кўп миқдордаги иқтисодий жарима қўлланишига сабабчи бўлган.

Суд Ш.Д.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, иш бўйича етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда ҳамда унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ушбу Кодекснинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган, ЖПКнинг 467-моддасига кўра, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим.

ЖК 167-моддаси учинчи қисмининг «в» банди, 206-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди ва 209-моддаси иккинчи қисмининг «б» бандида мазкур жиноятларни уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу Кодекс 29-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортик шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирла-

шиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Қонун мазмунига кўра, уюшган гуруҳнинг хусусияти бир неча шахслар бирлашининг қатъийлигида, гуруҳ жиноий фаолиятининг давомийлигида, унинг жиноий ихтисослашувида, ўхшаш гуруҳларнинг фаолият доирасини бўлиб олишда, ҳар бир иштирокчининг роллари ва вазифаларини аниқ тақсимлашда, ташкилотчининг мавжуд бўлишида, жиноий фаолиятнинг муайян муддатга режалаштиришда ифодаланади. Уюшган гуруҳ манфаатлари деганда, уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий ҳавфли ҳаракатлар содир этишга ундайдиган ёхуд уларни муваффақиятли содир этишга шароит яратувчи ҳолатлар тушунилади.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Д. 2005 йил январь ойдан 2007 йил март ойига қадар «Сурхонозиқовқатсаноат» АЖ раиси лавозимида ишлаб келиб, жамият мулкани талон-торож қилишдан иборат умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган жиноий қилмишларни содир этиб, ўзига хизмат вазифасидан бўйсуниб, жамиятда омбор мудир вазифасида ишлаб келган Х.Ж.га ва бошқа ходимларга ноқонуний топшириқлар бериб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ўзининг ихтиёрида бўлган жамиятнинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Жиноят ишида Ш.Д. ёки бошқа шахслар томонидан «Сурхонозиқовқатсаноат» АЖ мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож этиш мақсадида уюшган гуруҳ ташкил қилинганлиги ёки бирон-бир уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Шунингдек, тергов органи ва суднинг хулосасига кўра, жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган бўлса-да, жиноятларни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишлаб чиқилмаганлиги, иштирокчилар ўртасида вазифалар тақсимланмаганлиги каби ҳолатлар инobatга олинмаган, жиноят-

нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган жиноий ҳаракатлар айблов хулосасида ҳамда суд ҳукмининг тавсиф қисмида аниқ кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, дастлабки тергов даврида «Сурхонозиковқатсаноат» АЖнинг 4 771 037 644 сўм 43 тийинлик мулкнинг ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиниши ҳолати бўйича жиноят ишининг бошқа иштирокчиларига оид бир қисми алоҳида иш юритувга ажратилган ва иш айблов хулосаси билан судга юборилиб, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2010 йил 23 мартдаги ҳукми билан А.Р. ва бошқаларнинг айбловидан ЖК 167-моддаси учинчи қисмининг «в» банди чиқарилган.

ЖПКнинг 491-моддасида ишни назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ЖКни ногўри қўллагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилгани аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ЖПКнинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар кiritишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг ажрими билан Ш.Д.нинг айбидан ЖК 167-моддаси учинчи қисмининг «в» банди ҳамда 206-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» бандлари чиқарилиб, унга қилмишига мувофиқ меъёрда жазо тайинланди.

* * *

2. Қонун ўзгариши муносабати билан шахснинг ҳаракатлари қайта малакаланиб, жазо енгилаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 21 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2017 йил 15 февралдаги ҳукмига кўра, Д.К. ЖК 168-моддасининг учинчи қисмининг «в» банди, 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси-

га судланган.

Суд ҳукмига кўра, Д.К. 2015 йил 27 декабрь куни соат 12:00 да Б.И.га тегишли «Кобальт» русумли автомашинани пулини бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шарти билан сотиб олиб, автомашинага тегишли ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда автомашинани Ф.А.ни эгалиги давлат рўйхатида қайд этилгани ҳақидаги техник паспортни олишга эришиб, Х.М.га 7 200 АҚШ долларига сотиб, Б.И.га қолган 11 150 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни бермасдан талон-торож қилган.

Суд Д.К.нинг содир этган фирибгарлик жинояти юзасидан етказилган зарар тўлиқ қопланганини инобатга олиб, ЖК 168-моддаси учинчи қисмининг «в» банди билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган ҳолда айнан шу жинояти билан боғлиқ ҳолда содир этилган унча оғир бўлмаган турдаги жинояти учун, яъни ЖК 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари билан, гарчи модда санкциясида муқобил турдаги жазо назарда тутилган бўлса-да, унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини муҳокама қилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарорининг 13-бандидаги суд иқтисодиёт соҳасидаги ҳар бир иш бўйича моддий зарарни қоплаган шахсга нисбатан талон-торож қилганлик учун озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлар экан, ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олиб, унинг бошқа жиноятлари учун, агар бу жиноятларни содир этганлик учун қонунда муқобил жазолар назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини тайинлаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини муҳокама этиши

шартлиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришга риоя этмасдан ЖК 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб ҳа-толикка йўл қўйган.

Суд Д.К.ни илгари судланмагани, жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ижобий тавсифланиши каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларига эътибор қаратмасдан ЖК 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари билан қилмишига номувофиқ бир қадар оғир жазо тайинлагани боис суд қарорлари ўзгартирилиб, ЖК 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари билан муқобил турдаги жазо тайинланди.

* * *

3. Суд фуқаровий даъво билан боғлиқ қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишининг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаса, фуқаровий даъво бўйича ундириладиган зарар миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибидан ҳал қилинишини тушунтириши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2016 йил 14 ноябрдаги ҳукмига кўра, М.М.га ЖК 165-моддаси учинчи қисмининг «а» банди, 168-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди, 28, 209-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Б.К.га ЖК 165-моддаси учинчи қисмининг «а» банди, 28, 209-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида 10 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 3 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.М. бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, 2005 йил март ойида фуқаро Б.К. ундан

қарзга пул сўраганлигидан фойдаланиб, 1 500 000 сўм пулни ҳар ойда 10 фоиз устама тўлови тариқасида бериб туриш шarti билан қарзга пул бериши эвазига Б.К.нинг турмуш ўртоғи Р.К.нинг номида бўлган Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 19-уй, 1-хонадонни гаровга қўйишга мажбур бўладиган шароитга солиб қўйиб, уни «гаров шартномаси тузамиз» деб алдаб, Р.К.га тегишли бўлган уйни Жиззах шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси орқали М.М.га сотилганлиги ҳақида 2005 йил 2 мардаги уй-жойни олди-сотди шартномасини расмийлаштириб олишга эришиб, фуқаро Б.К. ва Р.К.нинг 12 661 604 сўмлик уй-жойларини товламачилик йўли билан қўлга киритган ва ўзларининг жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадида Б.К.га фуқаро О.Х.га тегишли бўлган Жиззах шаҳар, Кўтарма маҳалласида жойлашган икки хонали 83-уйни 3 000 000 сўмга сотиб олиб расмийлаштириб берган.

М.М. такроран 2005 йил апрель ойининг бошларида Х.М.га 3 000 АҚШ доллари миқдоридан пулларни ҳар ойда 10 фоиз устама тўлови сифатида бериб туриш шarti билан қарзга пул бериш эвазига Х.М.нинг турмуш ўртоғи А.Х.нинг номида бўлган Жиззах шаҳар, Халқобод маҳалласи, Э.Худойкулов кўчасида жойлашган 40-уйни гаровга қўйиш талабини қўйиб, унга тегишли бўлган уйни Жиззах шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси орқали 1 800 000 сўмга М.М.га сотилганлиги ҳақида 2005 йил 25 апрелдаги уй-жойни олди-сотди шартномаси билан ўзининг номига расмийлаштириб олишга эришиб, гарчи Х.М. қарзга олган 3 000 АҚШ долларини фоиз ҳисобида 4 000 АҚШ доллари миқдоридан қайтариб берган бўлса-да, унга юқорида кўрсатилган уй-жойга бўлган ҳуқуқини қайтариб бериш эвазига яна 10 000 000 сўм пул талаб қилиб, қўрқув таъсири остида ҳаракат қилиш ҳолатига солиб қўйиб, ўзининг жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадида Х.М.га турмуш ўртоғи Д.М. номида бўлган Жиззах шаҳар, Зар-

гарлик маҳалласида жойлашган 2005 йил апрель ойидаги баҳоси 8 984 063 сўмлик 37-уй, 18-хонадонини расмийлаштириб берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарорининг 9-бандида мулккий зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъво ваъво қўзғатилмаган бўлса, мулккий зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозим, деб тушунтирилган.

Иш ҳужжатларида М.М. фуқаро Р.К.дан олган Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 19-уй, 1-хонадонни келгусида ушбу уйни қайтариб олиш учун Р.К. ва Б.К. судга даъво киритиши, натижада уй бўйича низо келиб чиқишини билгани ҳолда, ўзгача мулккини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида жабрланувчи Б.Ю.га ушбу уйни қай тартибда қўлга киритганлигини айтмасдан, 2007 йил 30 ноябрда Г.Ю.га олди-сотди шартномаси асосида 18 500 АҚШ доллари (23 865 000 сўм) сотганлиги, ўз навбатида Б.Ю. мазкур хонадонни 2012 йил 13 декабрда фуқаро Г.М.га 22 000 АҚШ доллари сотганлиги натижасида Г.М.га 43 565 500 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги, худди шу каби М.М. ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, Х.М.дан товламачилик билан тортиб олган, Жиззах шаҳар, Халқобод маҳалласи, Э.Худойқулов кўчасида жойлашган 40-уйни келгусида ушбу уйни қайтариб олиш учун Х.М. судга даъво киритиши, натижада уй бўйича низо келиб чиқишини билгани ҳолда А.Х.га ушбу уйни қай тартибда қўлга киритганлигини айтмасдан, 2008 йил 25 октябрда 30 000 АҚШ доллари (40 443 000 сўм) сотиб, ушбу пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 07-сонли қарорининг 10-бан-

дида «ЖПКнинг 471-моддаси 1-бандига асосан айблов ҳукми чиқаришда, судлар иш бўйича келтирилган фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишлари лозим. Фақатгина суд фуқаровий даъво билан боғлиқ қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаганда, суд фуқаровий даъвонинг ундирилмаган миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилинишини тушунтириши лозим», деб белгиланган.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 19-уйнинг 1-хонадони Р.К.га, Жиззах шаҳар, Халқобод маҳалласи, Э.Худойқулов кўчасида жойлашган 40-уйни А.Х.га қайтариш ҳамда манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик тартибида судга даъво қўзғатиш ҳукуқи борлигини тушунтириш ҳақидаги қисмини бекор қилиб, тарафларга низоли уй-жойни олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарларни ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳукуқи борлиги тушунтирилди.

* * *

4. Қонун талабларига мувофиқ тузилган битимларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик, ўзгалар мулккини эгаллашда ҳуқуққа хилофлик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмас.

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Т.С. ЖК 168-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида 2 604 800 сўм жарима жазосига, Т.Э. ЖК 168-моддаси иккин-

чи қисмининг «в» банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида 1 953 600 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш материалларига кўра, Т.С. ва Э.Т. жабрланувчи А.Қ.дан деҳқончилик билан шуғулланишлари учун қарзга пул сўрашиб, эвазига Э.Т.га тегишли «Дамас» русумли автомашинани 42 700 000 сўмга баҳолаб, нотариал идора орқали унинг номига сотиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга ишончнома расмийлаштиришиб, Э.Т. А.Қ.дан 42 700 000 сўм пулни олган, ушбу пулни август ойининг охирида қайтара олмаса «Дамас» русумли автомашинани А.Қ.нинг номига расмийлаштирилишига розилиги ҳақида тилхат ёзиб, Э.Т., А.Қ. ва Т.С. имзолаган. Бироқ, улар 2016 йил сентябрь ойида кутилган ҳосилни ололмагач, А.Қ.дан олган 42 700 000 сўм пулни қайтара олмаслигини билдириб, унга келишувга кўра, «Дамас» русумли автомашинани олишни таклиф қилганда, жабрланувчи А.Қ. Т.С. ва Э.Т.га «Дамас» автомашинасини деҳқончилик фаолиятида фойдаланишгани сабабли эскирганлиги учун бозор баҳосини 30 000 000 сўмга ҳисоблаб, яна қўшимча равишда 12 700 000 сўм беришлари лозимлигини билдирган, бироқ улар ўзаро келиша олмаганликлари сабабли, А.Қ. Э.Т., Т.С.нинг таклифига рози бўлмасдан икки ой ичида олган 42 700 000 сўм пулини қайтариб беришни талаб қилган, Э.Т. ва Т.С. ушбу талабни бажармаганлиги сабабли у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 736-моддасида қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари белгиланган бўлиб, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда

фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб, то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекс 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши кераклиги белгиланган.

Қайд этилган қонун талабларига кўра, Э.Т. А.Қ.дан 42 700 000 сўм пулни олганлиги ва ушбу пулни август ойининг охирида қайтара олмаса, «Дамас» русумли автомашинани А.Қ.нинг номига расмийлаштирилишига розилиги ҳақида ёзиб берган тилхати Э.Т., А.Қ. ва Т.С. томонидан имзоланган вақтдан бошлаб улар ўртасида қарз шартномаси ёзма равишда тузилганлигидан далолат беради, шунингдек Э.Т. ва Т.С.да қарз олувчи сифатида А.Қ.дан олган 42 700 000 сўм қарз суммасини шартномада назарда тутилган муддатда, 2016 йил август ойида қайтариш мажбуриятини вужудга келтирган.

Судланган Т.С. судда жияни Э.Т. билан бирга деҳқончилик билан шуғулланиш мақсадида Қашқадарё вилояти, Ғузор туманига боришгани, деҳқончилик ишларини юритиш учун пул зарур бўлганлиги учун 2016 йил август ойининг охирида қайтариш шарти билан қарзга пул бериб туришни сўрашганида, А.Қ. қарзга пул бериши учун гаровга машина кўйишларини айтгани, келишувга кўра Э.Т.га тегишли «Дамас» русумли автомашинани 42 700 000 сўмга ҳисоблаб, нотариал идора орқали А.Қ.ни номига сотиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга ишончнома расмийлаштириб беришиб, ундан 30 000 000 сўм олишгани, «Дамас» автомашинасидан деҳқончиликда фойдаланишгани, 2016 йил сентябрь ойига келиб кутилган ҳосилни ололмаганликлари сабабли, А.Қ.га қарзга олган пулни фоизи билан ҳисобланган 42 700 000 сўмни қайтара олмасликларини айтиб, «Дамас» русумли автомашинани олишни таклиф қилишгани, А.Қ. уларнинг таклифига рози бўлмасдан 2 ой ичида пулни қайтариб беришни сўраган-

лиги ҳақида кўрсатув берган.

Бу ҳолатда Э.Т. ва Т.С.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмай, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги кўринади.

Бундан ташқари, жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган ҳолатларга кўра, Э.Т. ва Т.С.нинг А.Қ.ни мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатларни содир этишдаги қасднинг мавжудлиги бирон-бир далил билан исботланмаган.

Чунки, Э.Т. ва Т.С. А.Қ.дан қарз сифатида олган пул маблағларини қайтармаган тақдирда гаров тариқасида «Дамас» русумли автомашинани келгусида А.Қ.нинг номига расмийлаштириш ҳуқуқини берувчи нота-риал тартибда расмийлаштирилган шартнома тузилган.

Ушбу шартнома ҳеч ким томонидан бекор қилинмаганлигининг ўзи ҳам Э.Т. ва Т.С. А.Қ. билан ўзаро қарз шартномасига асосланган фуқаролик ҳуқуқий муносабатга киришганлигини тўлиқ исботлайди. Э.Т. ва Т.С. кейинчалик шартнома шартларида белгиланган мажбуриятни бажармаганликлари А.Қ.ни ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини чекламайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарорининг 9-бандида қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномаларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкни эгаллашда ҳуқуққа хилофлиқ белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмаслиги, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жумладан тарафлар учун ўзаро моддий манфаатни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилиши, агар би-

тим, шартнома шартлари бажарилмаса, қонунга кўра (ФКнинг 2, 9, 24-боблари, ФПК II бўлимининг 2-кичик бўлими, ХПКнинг 15-боби) бузилган ҳуқуқ фақат фуқаролик ишлари бўйича суд ёки иқтисодий суд томонидан тикланиши мумкин бўлиб, уларда мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситалар мавжудлиги, шу муносабат билан, қонун талабларига мувофиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шартнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъатининг ажрими билан Т.С. ва Э.Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-бандига мувофиқ уларнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тугатилган.

* * *

5. Фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тороғ қилганлик учун жиноий жавобгарлик, талон-тороғ миқдоридан қатъи назар, келиб чиқади.

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Ў.К. ЖК 168-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ой раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ туза-тиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 29 августдаги ажрими билан ҳукм бекор қилиниб, жиноят иши судланганларнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

Суд ҳукмига кўра, Ў.К. бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, Олтинкўл

туманида ташкил қилинган ноқонуний бозорга озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари, қорамол ва бошқа буюмларни сотиш мақсадида келган фуқароларга бозор шароитларини яхшилаш ва патта тўловлар учун деб, уларни алдаб, ҳар биридан 1000 сўмдан 5000 сўмгача пул йиғиб олиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарорининг:

4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши лозимлиги;

16-бандида қонунга кўра, фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик, талон-торож миқдоридан қатъи назар, келиб чиқади. Айни пайтда, талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчи (судланувчи)нинг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларини қўллаш масаласини муҳокама этишлари шартлиги белгиланган.

Бироқ, иш бўйича қонун талаблари ва қайд этилган Олий суд Пленумининг қарори тушунтиришларига риоя қилинмай, суд ҳукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда текширилмасдан жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилиши ҳақида барвақт хулосага келинган.

Қонун мазмунига кўра, талон-торож қиймати энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган бўлса-да, фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан

талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик, талон-торож миқдоридан қатъи назар, келиб чиқиши, яъни зарар суммаси аҳамиятга эга эмаслиги, бундай ҳолда ЖКнинг 36-моддасида кўрсатиб ўтилган кам аҳамиятли қилмиш эмас, балки фирибгарлик жиноятининг таркиби мавжудлиги апелляция инстанциясининг эътиборидан четда қолган.

Шунингдек, ушбу ҳолатда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчи (судланувчи)нинг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят ишини ЖКнинг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этишлари шарт эди.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов даврида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Х.Э. «Ҳасан-Хусан маҳалласида ноқонуний ташкил этилган бозорда сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилиши, Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.нинг бозорни ободонлаштириш, қонунийлаштириш ҳақида берган ваъдаларига ишониб, уларга ҳар бозор 5 000 сўмдан пул бергани» ҳақида, Х.Э. «ноқонуний ташкил этилган бозорда ун савдоси билан шуғулланганлиги, Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н. ундан ҳар бозорда жой ҳақи, яъни патта тўлови учун ва бозорни қонунийлаштирамиз деб, 1 500 сўмдан пул олишгани» ҳақида, А.Қ. ноқонуний ташкил этилган бозорда судланувчилар Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.га жой ҳақи ва бозорни кейинчалик қонунийлаштириш учун деб, 1 000 сўмдан тўловларни амалга ошириб келганлиги ҳақида ва З.У. Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.га бозор шароитларини яхшилаш, ободонлаштириш ва қонунийлаштириш учун деб, 1 000 сўмдан пул бергани ҳақида кўрсатувлар беришган.

Шунингдек, Д.Т. дастлабки тергов даврида Ў.К. билан маслаҳатлашиб, Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.га Ҳасан-Хусан маҳалласидаги бозорга савдо қилиш учун келган фуқаролардан патта тўловлари ва тозалов ишлари учун деб, пул йиғиш ҳақида кўрсатма бер-

ганлигини баён этган.

Шунингдек, бозорлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларни бир меъёрда фаолият кўрсатишини назорат қилиш давлат солиқ идораларига юклатилган бўлса-да, дастлабки тергов ва суд томонидан ҳолат аниқлангунга қадар нима сабабдан солиқ ходимлари томонидан бу ноқонуний бозорнинг фаолияти юзасидан тегишли чоралар кўрилмаганлигига аниқлик киритилмаган ва давлат солиқ хизмати органи ходимларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бу ҳолатларга апелляция инстанцияси суди етарли баҳо бермасдан, фақатгина айрим жабрланувчиларнинг «пулларни ўз хоҳишимиз билан берганмиз» деган мазмундаги аризаларига асосан судланувчиларнинг ҳаракатларини кам аҳамиятли қилмиш деб ҳисоблаб, ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг ажрими билан Ў.К. ва бошқаларга нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

* * *

6. Унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Ж.Х. ЖК 168-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида 11 440 000 сўм жазо жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 3 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Ж.Х. Р.З.нинг уйига келиб, унга тегишли бўлган баҳоси 400 000 сўм бўлган бир дона бетон симёғочнинг ўрнига ўзига ўхшайдиган симёғочни ёки пулини беришини айтиб, унинг ишончига

кириб, уни алдаб, фирибгарлик йўли билан баҳоси 400 000 сўм бўлган бир дона бетон симёғочни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатганликда, фуқароларга яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ер ажратиб бериш ваколатига эга бўлмаса-да, 2011 йил август ойларида А.Ж.га Пулимуғоб маҳалла ҳудудида жойлашган 6 сотих ер майдонини маҳалла ҳисобида эканлигини айтиб, уни алдаб, такроран фирибгарлик йўли билан 6 000 000 сўм пулни қўлга киритганликда айбли деб топилган.

ЖКнинг 15-моддасига кўра, Ж.Х. томонидан содир этилган ЖК 168-моддаси иккинчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради.

ЖК 64-моддаси биринчи қисмининг «б» бандида унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўришда қонуннинг бу талабига риоя қилинмаган.

Ж.Х. томонидан жиноят 2011 йил август ойида содир этилган бўлиб, суд томонидан ҳукм 2017 йил 10 май куни, яъни жиноят содир этилган кундан бошлаб 5 йил 9 ой ўтиб кетгандан сўнг чиқарилган.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўришда ушбу ҳолатларга эътибор бермаган.

Ж.Х.ни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли, жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ тугатилиши керак. Бироқ, иш ҳужжатларидан кўринишича, Ж.Х. дастлабки тергов ва суд давомида айбига иқроп бўлмаган. Бундай ҳолатда ЖПК 84-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, Ж.Х.га нисбатан айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилиши лозим.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорларининг Ж.Х.га нисбатан жазо тайинлаш қисми бекор қилинган.

* * *



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича

1. Шахсни МЖтКнинг 197²-моддаси билан айбли деб топишда у нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилганлиги, шу жумладан, нотариусга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаганлиги ҳолатлари ўз тасдигини топиши лозим. Акс ҳолда, шахсни МЖтКнинг 197²-моддаси билан жавобгарликка тортиб бўлмайд.

Биринчи инстанция судининг қарори билан фуқаро Л.М. МЖтКнинг 41 ва 197²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбли деб топилган. Унга нисбатан МЖтКнинг 33-моддаси қўлланилиб, МЖтКнинг 41-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида 861 200 сўм, 197²-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида 344 480 сўм жарима тайинланиб, МЖтКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, яъни 861 200 сўм жарима солинган.

Ушбу қарор билан фуқаро Л.М.нинг ўғли С.Л. ҳам МЖтКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилган ва ушбу Кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, яъни 861 200 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, суд қарорларининг Л.М.ни МЖтКнинг 197²-моддаси билан айбли деб топиш қисмини ушбу Кодекс 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатган ва Л.М.га МЖтКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ушбу Кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан тайинланган 861 200 сўм жарима 172 240 сўм жаримага келтирилган. Суд қарорининг С.Л.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати бунда Л.М.нинг ҳаракатларида МЖтКнинг 197²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаган. Чунки, биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларида Л.М. айнан қайси ҳаракатлар билан нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилганлиги, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган қандай маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаганлиги, нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ унинг ҳаракатлари нимадан иборатлиги кўрсатилмаган. Иш ҳужжатларида ҳам Л.М. томонидан бундай ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқ кўрсатилмаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати маъмурий ишнинг Л.М.га нисбатан МЖтКнинг 197²-моддаси билан кўзғатилган қисмини тугатишни, унинг ёши ва моддий аҳволини инобатга олиб,

МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, ушбу Кодекснинг 41-моддасига асосан тайинланган 861 200 сўм жаримани 172 240 сўмга ўзгартиришни ва суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-1022-19-сонли иш

* * *

2. *Хуқуқбузарга нисбатан қўзғатилган маъмурий иш бўйича МЖтК 36-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетган ҳолларда, хуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланилмайди, балки қўзғатилган ишнинг маъмурий жазо қўллаш қисми бўйича иш юритиш МЖтК 271-моддасининг 7-бандига асосан тугатилади.*

Фуқаро М.Н. 2018 йил 13 мартда соат 11-20 ларда ўзига шартнома асосида тегишли бўлган «Матиз» русумли давлат рақами 01 В 111 АА автомашинани Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, ТХАЙ кўчаси бўйлаб Янгиобод бозори томонга ҳаракатланиб, светофорнинг яшил чироқ ишорасига асосан чапга қайрилаётган вақтда қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган ва светофорнинг яшил чироғида йўлни кесиб ўтаётган ҳайдовчи Л.Д.нинг бошқарувидаги «Д» МЧЖга қарашли бўлган «Нексия» русумли давлат рақами 01 222 ВВВ бўлган автомашинанинг йўлига чиқиб, у билан тўқнашув содир этиб, унинг чап ён қисмига зарар етказган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 15 февралдаги қарори билан фуқаро М.Н. МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари – 172 240 сўм миқдорида жарима жазосига тортилган. М.Н.дан жабрланувчи «Д» МЧЖ фойдасига 3 500 000 сўм миқдорида зарар ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, суд қарорларининг М.Н.ни маъмурий жавоб-

гарликка тортиш қисми бўйича иш юритиш МЖТК 271-моддасининг 7-бандига асосан тугатилган. Суд қарорларининг М.Н.дан жабрланувчи фойдасига ундирилган зарар қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати М.Н.ни маъмурий жавобгарликка тортиш қисми бўйича иш юритиш-ни МЖТК 271-моддасининг 7-бандига асосан тугатишда унга нисбатан маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетганлигига асосланган.

Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҚХБ бўлими катта инспектори томонидан йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан 2018 йил 26 апрелда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса-да, биринчи инстанция судининг қарори МЖТКнинг 36-моддасида белгиланган маъмурий жазо чорасини қўллаш муддатларига риоя қилинмасдан, ўн ой ўтиб қабул қилинган.

Ваҳоланки, МЖТК 36-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин хуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий хуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Шу сабабли, судлов ҳайъати асосли равишда маъмурий ишнинг М.Н.ни маъмурий жавобгарликка тортиш қисми бўйича иш юритишни тугатган.

3-1009-1903/353-сонли иш

* * *

3. *МЖТКнинг 170-моддаси мазмунига кўра, валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш предмети бўлиб, айнан айирбошланган пул маблағлари ҳисобланади. Шу сабабли, ашёвий далил сифатида давлат даромадига ушбу пул маблағлари мусодара қилиниши мумкин.*

2019 йил 16 июнда Хива шаҳри бўйича ички ишлар органлари фаолиятини муво-

фиклаштириш бошқармаси ходимлари томонидан Хива шахрининг «Марказий деҳқон бозори» олдида фуқароларнинг қонунга ҳилоф равишда чет эл валютаси қимматликлари билан савдо қилиш ҳолатига аниқлик киритиш ва ҳужжатлаштириш мақсадида тезкор тадбир ўтказилган. Тадбир давомида ўтказилган назорат харидида фуқаро Д.Р. харидор сифатида жалб қилинган Фарҳод исмли фуқаро тақдим қилган 150 АҚШ долларини қонунга ҳилоф равишда айирбошлаган.

Д.Р. шахсий кўриқдан ўтказилганда, унинг ёнидан (чўнтагидан) тадбир учун фойдаланилган 150 АҚШ долларидан ташқари 450 АҚШ доллари, 5 000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм пул маблағлари борлиги аниқланган. Ушбу 450 АҚШ доллари, 5 000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм пул маблағлари ашёвий далил сифатида сақлаш учун олинган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан фуқаро Д.Р. МЖТКнинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан ўн сутка маъмурий қамоқ жазоси белгиланган. Шунингдек, ашёвий далил сифатида сақлаш учун олинган 450 АҚШ доллари, 5 000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм пул маблағлари давлат фойдасига мусодара қилинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгартириб, уларнинг 450 АҚШ доллари, 5 000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм пул маблағлари давлат фойдасига мусодара қилиш қисмини бекор қилиб, мазкур пул маблағларини Д.Р.га қайтаришни ва суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай тўхтама келишда валюта бойликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш предмети бўлмаган, яъни айирбошлаш предмети бўлмаган пул маблағлари ҳам ашёвий далил сифатида олиниб давлат даромадига мусодара қилинганлигига асосланган.

3-1401-1901/4401-сонли иш

* * *

4. Ҳуқуқбузар муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, у ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган бўлса ва унинг қилмишида маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, унга нисбатан МЖТК тегишли моддасининг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо қўлланилмайди.

2019 йил 18 ноябрда соат 22-50 ларда фуқаролар Ж.З. ва О.Р. Учтепа туманидаги 56 ва 57-уйлар оралиғида кетаётганларида Учтепа туман ички ишлар органи ходимлари томонидан гумон қилиниб, шу жойнинг ўзида ҳолилар иштирокида текширилган. Текширишда Ж.З.нинг эғнида бўлган қора рангли шимнинг ўнг чўнтагидан 1 000 сўмлик пулга ўралган яшил рангли ўтсимон ўткир ҳидли модда ҳамда О.Р.нинг эғнида бўлган спорт кийимининг ўнг чўнтагидан шаффоф полиэтиленга ўралган яшил рангли ўтсимон ўткир ҳидли модда мавжудлиги аниқланган.

Экспертиза муассасаси томонидан тақдим этилган кимёвий экспертиза ҳулосасида Ж.З.дан олинган ўсимлик таркибида гиёҳванд модда тетрегидроканнабинол мавжуд бўлиб, «Марихуана» эканлиги ва унинг қуруқ ҳолдаги оғирлиги 0,05 граммга тенг эканлиги, О.Р.дан олинган ўсимлик таркибида гиёҳванд модда тетрегидроканнабинол мавжуд бўлиб, «Марихуана» эканлиги ва унинг қуруқ ҳолдаги оғирлиги 0,04 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Ж.З. ва О.Р. МЖТКнинг 56-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган. Суд қарорларининг Ж.З. ва О.Р.га нисбатан тайинланган ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси саккиз сутка маъмурий қамоқ жазосига ўзгартирилган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигига, яъни ҳуқуқбузарлар муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигига, улар ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигига, бундай ҳолларда МЖТКнинг 56-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан ушбу модда санкциясида назарда тутилган энг оғир жазони қўллаб бўлмаслигига асосланган.

3-1001-1902/5127-сонли иш

* * *

5. Қамоққа олиш тариқасидаги маъмурий жазонинг қўлланилишига алоҳида ҳолларда йўл қўйилади. Ҳуқуқбузарга нисбатан жазони қўллашда содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши керак. Агар жазо тайинлашда жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб жазо тайинланиши лозим.

Фуқаро К.Р. 2019 йил 23 октябрда соат 12-45 ларда Навоий кўчасидаги 14-уй олдида «Нексия» русумли давлат рақами 01 А 222 ВВ бўлган автомашинада ҳаракатланиб келаётганда, «С» МЧЖга қарашли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлайдиган фуқаро Д.Д. ишга бориш учун К.Р. бошқариб келаётган автомашинани тўхтатган. К.Р. автомашинада Д.Д.ни манзилига олиб бораётган вақтда унга шилқимлик қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар К.Р. МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати К.Р.га нисбатан МЖТКнинг 183-моддаси билан қўлланилган ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазосини тўққиз сутка маъмурий қамоқ жазосига ўзгартиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда К.Р.нинг ҳаракатларини биринчи ва кассация инстанцияси судлари тўғри квалификация қилган бўлса-да, унга нисбатан жазо қўллашда ҳуқуқбузарнинг мулкӣ аҳволи, жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳисобга олинмаганлигига асосланган.

Судлов ҳайъати ҳуқуқбузарнинг қилган қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, қизи оғир касалликка дучор бўлганлигини унинг айбини энгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаган.

МЖТКнинг 30-моддасига мувофиқ жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинад.

Бироқ, биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан мазкур қонун талабларига риоя қилинмасдан, ҳуқуқбузарга нисбатан бирмунча оғирроқ жазо қўлланилган.

7-1010-19-сонли иш

* * *

II. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларга оид ишлар бўйича

1. Фермер хўжалиги раҳбари ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ер участкаси ижара шартномасини бекор қилишга асос бўлган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, туман ҳокимлиги томонидан ер участкаси ижара шартномасининг бекор қилиниши ва бу ҳақда туман ҳокимининг қарори қабул қилиниши қонун

хужжатларига зид ҳаракат ҳисобланади. Қонун ҳужжатларига зид тарзда қабул қилинган туман ҳокимининг қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Туман ҳокимининг 2015 йил 11 мартдаги 222-сонли қарори билан «Р» фермер хўжалигига пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият юритиш учун туман ҳокимлиги захира ер майдонидан 22, 33-контурларидан жами 55 гектар, шундан 48,5 гектар суғориладиган экин ер, 1,0 гектар боғ, 2,2 гектар тутзор, 0,8 гектар сув ости, 0,4 гектар қурилиш билан банд ер, 2,1 гектар бошқа ер майдонлари 49 йил муддатга ажратилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарори билан туман ҳудудидаги 22, 33-контурларидан жами 55 гектар ер майдонлари захирага қайтарилиб, «Р» фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилиниши белгиланган.

Шу сабабли, «Р» фермер хўжалиги туман ҳокимлигига нисбатан маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан «Р» фермер хўжалигининг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда туман ҳокимлиги томонидан ер ижара шартномасини бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси талабларига риоя қилинмаганлигига асосланган. Чунки, «Р» фермер хўжалиги раҳбари ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ер участкаси ижара шартномасини бекор қилишга асос бўлган

бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, туман ҳокимлиги ижара шартномасини бекор қилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати туман ҳокимлиги ўзининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарори билан қонун ҳужжатларига зид тарзда «Р» фермер хўжалиги билан тузилган ер участкаси ижара шартномасини бекор қилган деб ҳисоблаб, туман ҳокимининг ушбу қарорини ҳақиқий эмас деб топган.

3-1812-1901/257-сонли иш

* * *

2. Аризачи узоқ муддат шифохонада даволанганлиги учун кассация шикоятини билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмаганда, бу ҳолат кассация шикоятини бериш муддатини ўтказиб юборишининг узрли сабаби бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур ҳолатда, аризачи томонидан кассация шикоятини билан мурожаат қилинганда, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини уни бериш муддати ўтказиб юборилганлиги асоси билан қабул қилишни рад этиши мумкин эмас.

Аризачи К.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 16 апрелдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни ва ариза (шикоят) билан мурожаат қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топиш ва ушбу муддатни тиклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 11 майдаги ажрими билан ариза (шикоят) билан мурожаат қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома рад этилиб, ариза қайтарилган.

Аризачи кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг 2019 йил 11 майдаги ажримини бекор қилишни сўраган. Кассация шикоятига кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топиш ҳақидаги илтимоснома илова қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 9 сентябрдаги ажрими билан аризачининг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топиш ҳақи-

даги илтимосномаси рад этилиб, кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Аризачи назорат шикояти билан мурожаат қилиб, кассация инстанцияси судининг 2019 йил 9 сентябрдаги ажримини бекор қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни кассация инстанцияси судига кўриш учун юборган.

Судлов ҳайъати бунда МСИЮтКнинг 227 ва 247-моддаларига асосланган.

МСИЮтКнинг 227-моддасига кўра, кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

МСИЮтКнинг 247-моддасида биринчи инстанция судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган кассация шикояти (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Аризачи кассация шикояти билан мурожаат қилиши мумкин бўлган даврда узоқ муддат шифохонада даволанган. У судга бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган. Судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди томонидан бу ҳолатлар асоссиз равишда узрли топилмаган, деб ҳисоблаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қи-

лишни ва ишни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун юборишни лозим топган.

7-1120-19-сонли иш

* * *

3. Ҳокимлик зиммасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклаш талаби маъмурий суд судловига тааллуқли бўлганлиги учун бу талаб бўйича иш юритиш тугатилмайди, балки талаб мазмунан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Аризачи Р.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 15 июндаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 15 июндаги 333-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклатиш қисми бўйича иш юритиш тугатилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди қарорининг биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бе-

риш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбурияти юклатиш қисми бўйича иш юритишни тугатиш қисмини бекор қилган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда бу талаб маъмурий судга тааллуқли бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 12-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда, шу жумладан ҳуқуқни тан олиш усулида ҳимоя қилиниши керак деб ҳисоблаган.

Бундан ташқари, МСИЮтК 27-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида маъмурий суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилиши белгиланган.

7-879-19-сонли иш

* * *

4. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган маъмурий суд учун ишда иштирок этувчи шахсларга дахлдор бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Туман ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги 222-сонли қарорига асосан Наврўз МФЙда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 75,50 квадрат метр, яшаш майдони 45,25 квадрат метр, умумий ер майдони 210,20 квадрат метр бўлган уй-жой Н.М.га тегишли деб эътироф этилган.

Н.М. 2009 йил 12 октябрда нотариал тартибда тузилган уй-жойни ҳадя қилиш ҳақидаги шартномага асосан ўзига тегишли бўлган ушбу уйни турмуш ўртоғи Л.М.га ҳадя қилган ва унинг номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган.

Шу сабабли, Н.М.нинг акаси К.М. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда МСИЮтК 72-моддасининг учинчи қисмига асосланган.

МСИЮтК 72-моддасининг учинчи қисмида фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган маъмурий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга дахлдор бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийлиги белгиланган.

Ваҳоланки, Н.М.нинг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2018 йил 18 июндаги ҳал қилув қарори билан ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган, фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 29 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, Н.М.нинг Л.М.га нисбатан фуқаролик ишлари бўйича судларга берган бошқа даъволарини ҳам қаноатлантириш рад қилинган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати аризачининг туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш учун келтирган барча важлари ва ҳолатлар фуқаролик ишлари бўйича судларда муҳокама қилиниб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганлиги учун биринчи ва кассация инстанцияси судларининг арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-639-19-сонли иш



МЕҲНАТ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАР

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар меҳнат низолари ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, республика фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан 2019 йилда 4233 та меҳнат низоларига оид иш кўрилган бўлиб, уларнинг 1964 таси ишга тиклаш, 1279 таси иш ҳақини ундириш, 196 таси ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш ва 700 таси бошқа низолар билан боғлиқдир.

Йил мобайнида суд қарори асосида 775 нафар ходим ишга тикланган, 873 нафар ходимнинг иш ҳақи ундириб берилган.

Шунингдек, 2019 йилда Олий судда жами меҳнат низолари билан боғлиқ 242 та фуқаролик иши назорат тартибида ўрганилган бўлиб, 22 та фуқаролик иши бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарларнинг даъво талаблари қаноатлантирилган, яъни фуқаролар аввалги лавозимларига ишга тикланиб, ишламаган кунлари учун иш ҳақлари ундириб берилган.

Кўриниб турибдики, судда кўрилган меҳнат низоларининг аксарияти ишга тиклаш ҳақидаги даъволар билан боғлиқдир. Шу боис, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ва тартиби долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Меҳнат низоларининг судда кўриб чиқилишида мазкур тоифадаги ишларга хос алоҳида хусусиятлар инобатга олинаши керак.

Биринчидан, судга тааллуқлилиқ масаласи муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги Меҳнат кодек-

сининг талабларига асосан, меҳнат низолари фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида кўрилади.

Судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидаларига кўра, даъво аризалари жавобгар, яъни иш берувчи – юридик шахс жойлашган ердаги судга берилади.

Меҳнат кодексида меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга қуйидаги шахслар белгиланган:

- ходим, қасаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;
- меҳнат ҳуқуқи бўйича инспектори;
- иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
- прокурор.

Меҳнат кодексининг 277-моддаси ва Солиқ кодексининг 329-моддасига асосан ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этиладилар.

Назарда тутиш керакки, давлат божини тўлашдан фақатгина даъвогар озод этилади, даъво қаноатлантирилган тақдирда суд давлат фойдасига жавобгардан давлат даромадига божни ундиради.

Иккинчидан, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш муддатларига ҳам эътибор қаратиш зарур. Меҳнат кодексида судга мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланган:

ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Меҳнат кодексининг 97-моддаси меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини бир неча турга бўлган, яъни:

- тарафларнинг келишувига кўра;
- тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- муддатнинг тугаши билан;
- тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар;
- меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;
- янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Тарафларнинг келишувига биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Бунинг учун иккала тарафнинг ҳам хоҳиши талаб этилади.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда ходим икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириши лозим (келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин).

Икки ҳафта ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақли.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат

шартномасини бекор қилиш асосларига эса қуйидагилар киради:

- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

- ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайик бўлиб қолиши;

- ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги;

- ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги;

- ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

- корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги;

- ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ҳам меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Бунда ҳам ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим (тарафларнинг келишувига кўра огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин).

Огоҳлантириш муддати даврида ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

Иш берувчи камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

Шунингдек, мазкур вазиятда ходимга бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Иш қидириш даврида икки ойдан ортик бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди.

Башарти, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олиш талаб этилади (корхонанинг тугатилганлиги бундан мустасно).

Иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштириш маҳаллий меҳнат органи томонидан амалга оширилади.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди (корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно).

Ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайик бўлиб қолиши муносабати билан ҳам меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Бунда ҳам ходим камида икки ҳафта олдин огоҳлантирилиши, унинг қонундаги бошқа ҳуқуқларига риоя этилиши зарур (тарафларнинг келишувига кўра огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин).

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳ-

нат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади.

Ушбу асос бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи ходимни камида уч кун олдин хабардор қилади ёки унга мутаносиб компенсация тўлайди.

Башарти, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олиш талаб этилади.

Иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Интизомий жазо чораси қўлланилишидан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиб олиниши лозим.

Интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳам худди шундай тартибга амал қилиниши лозим.

Ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли, ўриндошлар билан ҳам меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномаси тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган баъзи ҳолатларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

**Г. ПАРПИЕВА,
М. РАБИЕВА,
Олий суд судьялари**

СУДЬЯЛАРГА НИСБАТАН ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК ИШЛАРИНИ ҚЎЗГАТИШ АСОСЛАРИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг мавжудлиги судьянинг мустақиллиги ва унинг жамият олдидаги мажбуриятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Бунинг учун давлат шундай тартибга солиш механизмини яратиши лозимки, бунда судья учун ҳар бир қонун ҳужжати талабларига мос келмайдиган қарори ёки одоб-ахлоқ нормаларини бузганлиги учун мавҳум жавобгарлик ҳавфи истисно этилиши зарур. Судьяга асослантирилган ҳуқуқий таъсир чоралари, шу жумладан, интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилишини кафолатлаш учун жавобгарликка тортишнинг қатъий асослари белгиланган бўлиши лозим.

Судьянинг интизомий жавобгарлиги масаласи суд тизими самарадорлигини ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2010 йилдаги (СМ/Rec12) тавсияларига кўра, қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик ҳолатларидан ташқари судья ишни кўриш жараёнида қонун нормалари, фактлар ёки далилларни нотўғри баҳолагани учун жинойий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Аксарият давлатлар судьялар одоб-ахлоқ нормаларида судья томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатлар рўйхати келтирилган. Интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш учун асос бўлувчи нормаларни турлича талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида эса, баъзи Европа давлатлари қонунчилигида интизомий ножўя хатти-ҳаракатнинг қатъий асослари белгиланган.

Баъзи қонунларда унча оғир бўлмаган ва оғир ножўя хатти-ҳаракатлар ўртасидаги фарқлар белгиланган. Испаниянинг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига кўра¹, унча оғир бўлмаган ножўя хатти-ҳаракатларга судьянинг ўз раҳбариятига ёки бошқа суд ходимларига нисбатан ҳурматсизлиги, уларнинг кўрсатмаларини ёки топшириқларини бажар-

маслиги ёхуд ўз иш жойида узоқ вақт давомида сабабсиз бўлмаслиги киради². Интизомий жазо чораларини қўллашга олиб келадиган оғир ножўя хатти-ҳаракатлар жумласига, Конституция қоидаларини бузиш, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ишни кўришдан ўз хоҳишига кўра воз кечмаслик, судьялик обрўсига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларни содир этиш, процессуал муддатларга риоя қилмаслик, ўз ваколатини суиистеъмол қилиш, махфий маълумотларни ёки касбий сирни ошкор қилиш кабилар киради³. Ўта оғир ножўя хатти-ҳаракатларга Испания Конституциясига риоя қилмаслик, агар бундай ҳуқуқбузарлик суд қарори билан якуний тарзда мустаҳкамланган бўлса, сиёсий партиялар ёки касаба уюшмаларига аъзо бўлиш орқали олинган мажбуриятни бажариш ёки хизмат қилиш, ўзининг судьялик функциясини бажаришда бошқа судья ёки магистратга буйруқ бериш ёки босим ўтказиш орқали асослантирилмаган аралашиш содир этиш, ишни кўришда иштирок этишга халакит берадиган қандайдир юридик ҳолатлар таъсирида қолиш унга олдиндан маълум бўлса-да, судья ёки магистр ишни кўришдан воз кечмаса, ишни кўришни асоссиз ёки такрорий равишда чўзиш, ишни қўзғаш, юритиш ёки унинг доирасида қарор қабул қилиш, бошқа ҳар қандай суд вазибаларини бажариш заруратини инкор қилиш ва бошқалар мансубдир.

Айтиш жоизки, баъзи интизомий жавобгарликка тортиш учун асосларнинг мавҳумлиги, масалан, судьяга нисбатан интизомий жазо чораларини «сиёсий фаолият», «нолойиқ муносабат» ёки «нопрофессионал ахлоқ» каби умумий тушунчалардан келиб чиқиб қўллаш муқаррар равишда судьялар мустақиллигининг бузилишига олиб келади.

Юқорида таъкидланганидек, судьянинг одоб-ахлоқ қоидалари аниқ ва етарлича тушунарли тарзда ифодаланган бўлишига қарамадан, интизомий жазо чоралари фақат судья

томонидан қасддан ёки қўпол эҳтиётсизликка йўл қўйилгандагина қўлланилиши керак.

Судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишларини юритиш вақтида инсон ҳуқуқларининг асосий принциплари кафолатланиши лозим. Интизомий жавобгарликка олиб келадиган ножўя хатти-ҳаракатларни содир этишда шубҳаланаётган судьялар ҳам кафолатланган ҳуқуқларга эга.

Аввало, судья ўзига нисбатан расман хизмат текшируви ишлари бошланганлиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. Шикоят асослантирилмаган ҳамда кейинги босқичларда шикоятдан воз кечилган бўлса, судьяга нисбатан келиб тушган ҳар қандай шикоят тўғрисида судьяни зудлик билан хабардор қилиш шарт эмас.

Суд ҳокимияти масалалари бўйича Европа тармоғи кенгашининг (ENCJ) Минимал суд стандартларида келиб тушган шикоятни кўришнинг дастлабки босқичида судьяни зудлик билан хабардор қилмасликнинг асослари ҳам мавжуд. Жумладан, «судьяни заруратсиз безовта қилмаслик, унинг холислиги ва мустақиллигини хавф остига қўймаслик ҳамда жамоатчилик олдида обрў-эътиборини туширмаслик»⁴ билан боғлиқ қоидалар белгиланган. Бироқ, шикоят кейинги тафтиш учун қабул қилинган заҳоти судья бу тўғрисида хабардор қилиниши керак. Зотан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасига мувофиқ, барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиладиганда ёки бирон-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқиши ҳуқуқига эга⁵.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 6-моддасида судга келтирилган шахслар ишларининг адолатли ва оммавий муҳокамасини таъминлаш учун қонун асосида тузилган мустақил ва холис суд⁶ бўлиши лозимлиги таъкидланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг ҳулосасига кўра, судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш одил судлов муҳокамаси тўғрисидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 6-моддаси ҳамда ишнинг ҳолатига боғлиқ бўлган тегишли миллий қонунчилик таъсири остида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 2001 йил 8 февралдаги қарорига асосан, судьялар корпуси фуқаролик хизматининг таркибига кирмаса-да, давлат хизматининг бир қисмидир. Шу боис, судья одил судловни юритиш соҳасида ўзига берилган ваколатларни амалга оширишда бевосита қатнашади ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятига эга⁷.

Судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатиш тизимида унинг фикр-мулоҳаза билдиришига имкон берувчи нормалар бўлиши керак. Агар интизомий чора қўлланилаётган судья ишнинг очиқ кўрилишини талаб қилмаса, дастлабки босқичда иш ёпиқ кўрилиши керак⁸.

Назаримизда, интизомий ножўя хатти-ҳаракатларга оид ишларни ёпиқ тарзда кўриб чиқиш учун асос бўлувчи ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим. Давлатнинг миллий хавфсизлиги, оммавий тартиби, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи масалалар шулар жумласидандир.

Ишда иштирок этувчиларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида ёки алоҳида ҳолатларда, интизомий ишни очиқ кўриш одил судловнинг манфаатларига путур етказиши мумкин деб топилиши мумкин. Масалан, Европада бундай ҳолатларда ижтимоий назорат муҳимлигини эътиборга олиб, ишларни ёпиқ тарзда олиб бориш учун асослар тақдим қилмаслик Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг қоидалари бузилишига олиб келиши мумкин. 2009 йил 5 февралдаги Хорватияга қарши Олужичнинг шикояти юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорида шикоятчининг мазкур ишни оммавий, очиқ кўриш талаби ва ишга нисбатан жамоатчиликнинг қизиқиши сезиларли даражада юқори бўлганига қарамасдан, суд муҳокамасида жамоатчиликнинг қатнашиши асоссиз равишда бекор қилиниши шикоятчининг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлганлиги қайд этилган⁹. Интизомий иш қўзғатиш жараёни очиқ ёки ёпиқ бўлишидан қатъи назар, ишни кўриш якуни бўйича қабул қилинган қарорлар матбуотда эълон қилиниши шарт.

Айрим давлатларнинг (масалан, Австрия ва Болгария) интизомий жавобгарлик ишларини юритиш тўғрисидаги қонунларига кўра, интизомий жавобгарлик ишларини кўриш тартиблари суд муҳокамаларини ўз ичига олиши ва улар

жамоатчилик учун очик бўлиши керак. Бундан ташқари, баъзи қонунларда интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорлар матбуотда эълон қилиниши шартлиги кўрсатилган.

Аксарият давлатларда интизомий жавобгарликка тортиш тартибини адолатли ва тезкор ўтказишни таъминлаш мақсадида судьялар устидан шикоят беришнинг муддати назарда тутилган. Болгариянинг «Суд тизимлари тўғрисида»ги Қонунининг 310-моддасига мувофиқ, интизомий жавобгарлик ишини қилмиш аниқланган кундан бошлаб олти ой ичида ва у содир қилинган кундан бошлаб уч йилдан кечиктирмасдан кўзғатиш мумкин. Хорватиянинг «Давлат суд кенгаши тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш гумон қилинган қилмиш аниқлангандан кейин олти ой ичида ёки у содир этилган кундан икки йилдан кечиктирмасдан кўзғатилади.

Одатда, интизомий жавобгарлик ишини юритишнинг барча босқичлари учун муддат чегарасини белгилаш назарда тутилади, шу жумладан, тафтишни тугатиш, якуний қарорни чиқариш, интизомий жазо чорасини иш бўйича қарор қабул қилингандан кейин зудлик билан ҳеч қандай асоссиз кечиктирмасдан қўллаш лозим. Бу борадаги муддат Болгариянинг «Суд тизимлари тўғрисида»ги Қонунининг 310-моддасида уч ой, Хорватиянинг «Давлат суд кенгаши тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддасида бир йил, Испаниянинг «Суд тизимлари тўғриси-

да»ги Қонунининг 425-моддасида узайтириш имконияти билан олти ой этиб белгиланган.

Муддатлар фақат истисно ҳолатлардагина, масалан, тафтиш мураккаб бўлса, судья касал бўлса ёки жиноий тергов ҳаракатлари узоқ давом этса ёки жиноий иш юритиш натижалари интизомий жавобгарлик бўйича ишни тафтиш қилишга боғлиқ бўлса, узайтирилиши мумкин.

Тарафларнинг тенглиги принциpidан келиб чиқиб, интизомий жавобгарликка оид ноҳўя хатти-ҳаракатни содир қилганликда айбланган судьяга ўз иши бўйича кўрсатма ва далилларни тақдим этиш имконияти берилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, судьяга нисбатан интизомий иш кўзғатиш ва жавобгарлик ишларини юритишни тартибга солувчи қонунлар тегишли судьяни тинглаш, гувоҳларни тергов қилиш, кўрсатма ва далилларга баҳо бериш учун имконият яратиши ҳамда судьяга адвокат олишни кафолатлаши лозим. Бундан ташқари, интизомий жавобгарлик ишларини кўрувчи органнинг биринчи инстанциясида (ҳокимият органи бўладими, суд ёки трибунал бўладими) қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш имконияти кафолатланиши лозим.

О. СУЛАЙМАНОВ,
Судьялар олий мактаби
бош мутахассиси, юридик
фанлар номзоди, доцент

¹ *Organic law on the judiciary 6/1985, of 1 July* https://www.legislationline.org/download/id/6791/file/Spain_law_judiciary_1985_am2016_en.pdf

² *Organic law on the judiciary 6/1985, of 1 July* https://www.legislationline.org/download/id/6791/file/Spain_law_judiciary_1985_am2016_en.pdf

³ *Organic law on the judiciary of Spain 6/1985, of 1 July* https://www.legislationline.org/download/id/6791/file/Spain_law_judiciary_1985_am2016_en.pdf

⁴ *ENCJ, в Минимальных судебных стандартах V - Дисциплинарное производство и ответственность судей, Отчет 2014-2015, стр.37*

⁵ *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. –Тошкент: «Адолат», 2004. 41 б.*

⁶ https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_RUS.pdf

⁷ *Решение Европейского суда по правам человека от 08.02.2001 По вопросу приемлемости жалобы № 47936/99, поданной Галиной Питкевич против Российской Федерации // http://www.conventions.ru/view_base.php?id=12837*

⁸ *Основные принципы независимости судебных органов п.17 и 20. Приняты седьмым Конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, состоявшимся в Милане с 26 августа по 6 сентября 1985 года, и одобрены резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 40/32 от 29 ноября 1985 года// https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml*

⁹ *Olujic v Croatia, Admissibility, merits and just satisfaction, App no 22330/05, IHRL 3663 (ECHR 2009), 5th February 2009, European Court of Human Rights// <https://opil.ouplaw.com/view/10.1093/law:ihrl/3663echr09.case.1/law-ihrl-3663echr09?prd=OPIL>*

ЖИНОЯТ ОҚИБАТИДА ШАХСГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий муҳофазанинг алоҳида объекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати белгилаб қўйилган. Бундай ҳимоянинг ҳуқуқий усулларида бири эса, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни тўлашдир.

Фуқаролик ҳуқуқида жиноят оқибатида етказилган зарар деганда, зиён етказувчининг ғайриқонуний феъл-атвори сабабли юзага келган жисмоний шикастланиш ҳамда ҳар қандай касалланиш тушунилади.

Одатда, зарар етказиш ҳолларида зарар етказган шахс билан жабрланувчи шартномавий муносабатда бўлмайди.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан биридир. Бу мажбуриятлар шартномавий муносабатлардан ташқари, шахсга ёки мол-мулкка ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарларни қоплашга қаратилган.

Зарар етказганлик юзасидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлиши шарт:

- а) зарар етказилганлиги (мавжудлиги);
- б) зарар етказувчи шахс ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳуқуққа хилофлиги;
- в) етказилган зарар билан ҳуқуққа хилоф қилмиш ўртасида сабабий боғланиш;
- г) зарар етказувчи шахснинг айби ёки зарар етказувчи шахс хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мажбурияти юкланган шахснинг айби.

Зарар деганда, ҳуқуқбузарлик натижасида жабрланувчига тегишли мол-мулк, мулккий ҳуқуқ ҳажмининг камайишида ёки йўқо-

тилишида намоён бўладиган моддий зарар ёки номоддий неъматнинг (жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи) шикастланиши ёнки ундан маҳрум бўлиниши тушунилади. Шу сабабли, зарар моддий ёхуд жисмоний характер касб этади. Моддий зарар кўрган жабрланувчи жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин. Жисмоний зарар бўйича жабрланувчи фақат фуқаро бўлади.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, шунингдек маънавий зарар ўзига хос хусусиятларга эга.

Етказилган зарар тўлиқ ҳажмда, бой берилган фойдани ҳам кўшиб ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

Шахснинг бузилган ҳуқуқини, нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулкни тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаракатлари ҳақиқий (реал) зарар ҳисобланади.

Қонунда етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш умумий қонундан истисно назарда тутилиши мумкин.

Умумий қонунда кўра, зарарни тўлаш мажбурияти бевосита зарар етказувчига юкланади. Айни пайтда қонунда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказган шахсгагина эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари учун масъул ёхуд хатти-ҳаракатларини назорат қилиши шарт бўлган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

Одатда, фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар оқибатларини юмшатиш учун қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада товон тўловлари ҳам назарда тутилади. Ушбу чоралар фуқаролик-ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя воситаси ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни қўллаш асоси сифатида зарар етказувчининг

айби мавжуд бўлиши керак. Айб зарар етказувчининг ўз қилмиши ва унинг оқибатларига руҳий-психик муносабати ҳисобланади. Зарар етказувчи айбининг шакли қонун ҳужжатларида бевосита белгилаб қўйилган ҳоллардагина ҳуқуқий оқибатларга эга бўлади. Қолган ҳолатларда қасд ёки эҳтиётсизликдан қатъи назар, қилмиш тўлақонли айб асосида содир қилинган ҳисобланади, яъни айбнинг ҳар қандай шаклида етказилган зарар тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Зарар етказган шахс, агарда бунда ўзининг айби йўқлигини исботлаб берса, яъни форс-мажор ҳолатлар рўй берган ёхуд учинчи шахсларнинг айби мавжуд бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 333-моддасида (мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик) ҳам айбсизликни исботлаш бурчи зарар етказган шахс зиммасига юкланади. Ушбу ҳолатда айбсизлик презумпцияси намоён бўлади, яъни зарар етказган шахс қонунда белгиланган тартибда ўзининг айбсизлигини исботлаб бермагунича, айбдор ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, айб деликт бўйича жавобгарликни белгилашда қатъий, яъни мутлақ зарурий асос эмас. Қонунда зарар етказувчининг айби бўлмаганда ҳам зарарни тўлаши назарда тутилиши мумкин. ФКнинг 993, 996, 999-моддаларида зарарни тўлаш мажбурияти айб категориясини қўллаш мумкин бўлмаган шахсларга (муомалага лаёқатсизлиги сабабли) ёки зарар етказишда айби бўлмаган шахсларга юкланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Фуқаролик қонунчилигида жавобгарлик шарти сифатида зарар етказувчи хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг ҳуқуққа хилофлиги зарар етказувчи хатти-ҳаракатининг ғайриқонунийлигини, яъни бошқа шахснинг субъектив ҳуқуқи бирор тарзда бузилишини англатади.

ФК 9-моддасининг бешинчи қисмига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар бошқа шахсларга зарар етказишга қаратилган ҳа-

ракатларни содир этмасликлари шарт. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бош деликт тамойилига асосланади, яъни агар қонун ҳужжатларида белгиланган бўлмаса, ҳар қандай зарар етказиш ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Ҳуқуққа хилофликни қонун ҳужжатларида белгиланган тақикни бузишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш билангина боғламаслик керак. Ҳуқуққа хилофлик доираси фақат бу билан чекланмайди, балки бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи ҳар қандай зарар етказишдан иборат.

Ҳуқуққа мувофиқ (қонуний) ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги икки ҳолат мавжуд бўлганида зарарни тўлаш рад этилиши мумкин:

- зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса;
- зарар етказувчининг ҳаракатлари жамиятнинг ахлоқий тамойилларига путур етказмаса.

Биринчи ҳолатда жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги яққол ифодаланган бўлиши шарт. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг, вояга етмаганларнинг, ўз ҳаракати оқибатларини англаб етмайдиган ҳолатда бўлган (алкоголь, гиёҳванд ёки психотроп моддалар истеъмол қилиш оқибатида) шахсларнинг (ақли норосолик ҳолида бўлганлар) илтимоси ёки розилиги ҳисобга олинмайди.

Иккинчи ҳолатда эса, жамиятнинг ахлоқий тамойиллари суд томонидан ҳар бир аниқ ҳолатдан келиб чиқиб ҳисобга олинади. Бундай тамойиллар доирасига умуминсоний (инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик, ачиниш ва ҳоказо) ва миллий-диний қадриятлар (сахийлик, меҳмондўстлик, садоқат, вафодорлик, иффат-ҳаё, катталарга ҳурмат, итоаткорлик ва ҳоказо) киритилиши мумкин.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратамиз. 2019 йил 13 август куни тахминан

соат 18-30 ларда И.Ш. «ВАЗ-21011» русумли автомашинасида Тошкент-Чимён автомобиль йўлининг 47-чақиримида Чирчиқ шаҳридан Ғазалкент шаҳри томон ҳаракатланиб келаётиб, йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, қарама-қарши йўналишга чиқиб, ўз йўналишида келаётган ҳайдовчи К.О. бошқарувидаги «Матиз» русумли автомашина билан тўқнашув содир қилган ва оқибатда йўловчи С.М. ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олиб, Бўстонлик тумани марказий касалхонасига ётқизилган.

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2019 йил 11 декабрдаги ажрими билан И.Ш.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 266-моддасининг биринчи қисми билан кўзғатилган жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 6-бандига асосан тугатилган ва манфаатдор шахс С.М.га етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилган.

ФКнинг 75-моддасига кўра, суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга муҳтож эмас. Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилган ёки содир этилмаганлиги масалалари юзасидан мажбурийдир.

Шундан сўнг, даъвогар – Бўстонлик тумани прокурори фуқаро С.М.нинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар И.Ш.дан жабрланувчи фойдасига жиноят оқибатида етказилган 30 000 000 сўм моддий ва 30 000 000 сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Ишдаги суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 14 ноябрдаги хулосасига кўра,

С.М.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказилган.

ФК 985-моддасининг биринчи қисмига биноан, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Мазкур талабга асосан суднинг ҳал қилув қарори билан Бўстонлик тумани прокурорининг фуқаро С.М. манфаатида киритган даъвосининг моддий зарарни ундириш қисми қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 4 500 000 сўм ундирилган.

Шунингдек, жабрланувчиларнинг бири, уларнинг яқин қариндошлари ёки боқувчиси вафот этган тақдирда фуқаролик қонунчилигига асосан зарарлар тўлиқ қопланади.

ФК 100-моддасининг саккизинчи қисмида фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш борасида умумий меъёр белгиланган. Маънавий зарарни қоплаш масаласига оид нормалар мазкур Кодекснинг 1021, 1022-моддаларида ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелда қабул қилинган «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қарорида кенг баён этилган.

Умумий қоидага мувофиқ, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Маънавий зарарни қоплашга асос бўлувчи ҳолатлардан энг муҳими ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган шахснинг айби мавжудлигидир.

ФКнинг 100-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, маънавий зарар фақат фуқаронинг шахсий номулкий неъматлари (ҳуқуқлари) бузилиши ёки тажовуз қилиниши оқибатида қопланади, деган хулосага келиш мумкин. Шундай экан, фуқаронинг моддий ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказиладиган маънавий зарар қопладими, деган савол туғилиши табиийдир. Бизнинг

фикримизча, бундай зарар қопланади. Чунки, маънавий зарар етказилишига сабаб бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликнинг объектларидан бири фуқаронинг моддий ҳуқуқлари, яъни уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи кабилардир.

Маънавий зарарни қоплаш имконияти унинг муддати билан боғлиқ.

ФКнинг 149-моддасига кўра, даъво муддати фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Умумий даъво муддати мазкур Кодекснинг 150-моддасига асосан уч йил қилиб белгиланган. ФКнинг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар белгиланган бўлиб, улардан бири – шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблардир. Маънавий зарар фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий бойликлари бузилиши оқибатида етказилади. Демак, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига моддий зарар етказилиши билан унга маънавий зарар ҳам етказилиши табиийдир.

ФКнинг 1021-моддасига мувофиқ, маънавий зарарни етказувчи шахснинг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан тўланиши лозим, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса қопланади, 1022-моддасига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий

зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»-ги қарорига кўра, маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади. Маънавий зарар, жумладан, яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.

Суд қайд этилган ҳуқуқий нормаларга асосан даъвонинг маънавий зарарни ундириш ҳақидаги қисмини муҳокама қилиб, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида С.М. 2-гурух ногирони бўлиб қолганлигини, 2019 йилдан буён тез-тез шифохонада даволаниб келишини, оёқ ва қўлларига тиббий аппаратлар қўйилганлигини, буларнинг оқибатида унинг турмуш ўртоғи ташлаб кетганлиги маънавий азобланишига олиб келганлигини инobatга олиб, манфаатдор шахсга маънавий зарар етказилган деб ҳисоблаган ва жавобгардан унинг фойдасига 15 000 000 сўм маънавий зарар ундиришни лозим топиб, адолатли ва қонуний тўхтамга келган.

Ғ. ВОҲИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилоят суди
раисининг ўринбосари

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Баъзи ҳолатларда судга мурожаат қилиш лозим бўлганда келгусида қабул қилинадиган суд қарорининг ижро этилишини таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда мулкий низола бўйича жавобгар тараф унга нисбатан судга даъво аризаси тақдим этилганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлганидан сўнг келгусида суд қарорини ижро этиш мумкин бўлмай қолиши учун ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини бошқа шахсларга ўтказишга, мол-мулкни яширишга, сотиб юборишга, ҳадя қилишга ва бошқа усулларда бегоналаштиришга ҳаракат қилади.

Шунинг учун қонунчиликда иқтисодий процессуал тартибда тикланадиган талабларни ҳимоя қилиш мақсадида даъвони таъминлаш бўйича чоралар тизими назарда тутилган. Даъвони таъминлаш чораларини кўришдан мақсад келгусида суд қарорининг ижросини жавобгарнинг пул маблағлари ёки мол-мулкига қаратиш учун унинг айни пайтдаги мулкий ҳолатини сақлаб туришдир.

Даъвони таъминлаш чораларини қўллашдан манфаатдор бўлган шахс, аввало, мазкур чораларни ижро этиш аниқлиги, уларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги ва билдирилган талабларга мутаносиб бўлишини инобатга олиши зарур.

Иқтисодий суд ҳал қилув қарори ижросининг қийинлашиши ёки кечиктирилишининг олдини олиш мақсадида суд (судья) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза-

сига биноан ёки ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўради.

М.С.Шакаряннинг фикрича, даъвони таъминлаш чоралари даъвогарнинг жавобгарга нисбатан келтирган даъво талабини олдиндан ҳимоялаб кўювчи воситадир¹. В.В.Ярков даъвони таъминлаш – даъво аризасига асосан ёки даъвогарнинг илтимосига кўра, суд томонидан унинг ажримига асосан, қонун нормаларига биноан жавобгарнинг маълум ҳуқуқлари чекланиши деб ҳисоблайди².

Н.Ю.Круглова даъвони таъминлашга қонунда кўрсатилган, суд томонидан ёки прокурорнинг илтимосига кўра қўлланиладиган, суднинг ҳал қилув қарорини таъминлашга қаратилган ҳаракат деб таъриф беради³.

Айрим ҳуқуқшунослар даъвони таъминлаш чораларини кенг талқин этиб, даъвони таъминлашдан кўра кўпроқ даъвони таъминлаш чораларига эътиборларини қаратадилар.

Назаримизда, иқтисодий процессда даъвони таъминлаш келгусида суд томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарори ёки ажримининг ижросини таъминлашни кафолатлайдиган чора-тадбирлар тизимидир. Шу билан бирга, бу даъвогар даъво талабларининг кафолатидир.

Иқтисодий процессда даъвони таъминлаш учун маълум бир даъво бўйича талаб қилинаётган, у ёки бу ҳуқуқни таъминлаб бера оладиган, суднинг процессуал қонунчилик доирасида мумкин бўлган чораларни қўллаш тақозо этилади. Суд қўлланилган чораларни амалга ошириш ва белгиланган тартибга риоя этиш ёки олдин қўлланил-

ган чораларни бошқаси билан алмаштириш масаласини ҳал этади. Шундай қилиб, даъвони таъминлаш фақат бу билан боғлиқ чораларини қўллаш тўғрисидаги процессуал ҳаракатларни эмас, даъвони таъминлаш турларининг қўлланиш тартиб-қоидалари, уларни бекор қилиш тартиби, ушбу чораларни қўллашнинг шарт-шароитларини ҳам назарда тутати.

Даъвони таъминлаш чоралари институти иккита масалани ҳал этишга қаратилади: олдиндан бузилган ҳуқуқни тиклаш; келажакда мумкин бўлган ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш. Бугунги кунда амалдаги қонунчиликда фақат суд томонидан келажакдаги ҳуқуқ бузилишининг олдини олишга қаратилган даъвогарнинг зарар кўришига имкон бермаслик мақсадида қўлланиладиган даъвони таъминлаш чорасига урғу берилган.

Ушбу институтнинг тўғри қўлланилиши суд қарорлари ижросининг келажакдаги самарадорлигини таъминлайди, даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Айни пайтда, суднинг ҳал қилув қарорини ёки суд ҳужжатининг ижросини таъминлашга қаратилган чораларга фуқаро ва юридик шахсларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи восита сифатида қарамаслик лозим.

Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжати қабул қилинганлиги ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунга зид ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвони кўришда суд даъвогарнинг аризаси бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриши шарт. Бундай ариза билан тадбиркорлик субъекти манфаатида даъво киритган ваколатли органлар мурожаат қилганда ҳам суд даъвони таъминлаш чораларини кўриши зарур. Тадбиркорлик субъекти ҳисобланмаган бошқа шахслар томонидан

тақдим этилган бундай аризалар умумий тартибда кўриб чиқилади⁴.

Даъвони таъминлаш чоралари биринчи ва бошқа суд инстанцияларида қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, бу чоралар суд қарорлари ижросини таъминлашда ҳам қўлланилади⁵.

Даъвони таъминлаш чоралари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- бу чора ҳақиқатан ҳам зарурий бўлмоғи, жавобгарнинг фаолиятида қийинчилик келтириб чиқармаслиги керак;

- даъво предмети билан боғлиқ бўлиши лозим;

- даъво талабига мутаносиб бўлиши зарур⁶.

Шу билан бирга, даъвони таъминлаш чораларининг бошқа белгиларини ҳам қайд этиш мумкин.

Биринчидан, тезкорлик, бунда даъвони таъминлаш юзасидан берилган аризага зудлик билан жавоб қайтариш лозим.

Иккинчидан, вақтинчалик хусусияти, бу вақтинчалик бирор ҳаракатни содир этишни чеклашни ифода этади.

Учинчидан, мулкӣ манфаатларни ҳимоя қилиш. Агарда даъвони таъминлаш чорасини кўриш зарур бўлса, бу аризачи томонидан асосланиши, агар суд томонидан ушбу чора кўрилмаса, даъвогарнинг кўрадиган ва кўриши мумкин бўлган зарари, зарарнинг қанча ва қай даражада кўриши мумкинлиги, сўралаётган даъвони таъминлаш чорасининг даъво предметиға алоқаси, қўлланилиши лозим бўлган даъвони таъминлаш чораси тури, унинг зарурийлиги ва етарлигини исботловчи далиллар келтирилиши керак⁷.

Тўртинчидан, қўлланиладиган даъвони таъминлаш чораси даъво предметиға мос ва суднинг ҳал қилув қарори ижроси билан боғлиқ бўлиши лозим. Даъво талабларига мутаносиб бўлмаган даъвони таъминлаш чорасини қўллаш суд томонидан рад этилади.

Даъвогар даъвони таъминлаш чорасини қўллашни сўраб ариза берганида унга асослар келтириши лозим. Зотан, даъвони таъ-

минлаш юзасидан чиқарилган ажрим фақатгина жавобгарнинг инсофсиз ҳаракатларини акс эттирувчи далилларга асосланмайди⁸.

Келажакда суд қарорининг ижроси юзасидан муаммолар туғдириши мумкин бўлган жавобгарнинг хатти-ҳаракатларини аниқлаш учун судга алоҳида мурожаат қилиш ёки суд таркиби тузиш ортиқчадир. Суд бундай ҳолатларда юзага келиш мумкин бўлган жиҳатларни инобатга олиб, ажрим чиқаради (масалан, мулкка хавф етказилиши мумкинлиги, мол-мулкни яширишга уриниш кабилар). Бироқ, бу ҳолатларни олдиндан аниқлаб бўлмайди. Бундан ташқари, одатда, жавобгар хатлаб қўйилиши мумкин бўлган мулкни ёки муайян фаолият турига суд жараёни бошланиши хавфи туғилиши билан уни беркитишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда кўрилаётган даъвони таъминлаш чораси самарасиз бўлиб қолиши ҳам мумкин⁹.

Даъвони таъминлаш юзасидан чиқарилган ажримлар ижроси давлат ижрочилари томонидан суд ажримида кўрсатилган даъвони таъминлаш чорасининг турига қараб амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, ижро иши юритуви жараёнида ҳам ўзига хос ижрони таъмин-

лаш чоралари мавжуд. Масалан, қарздорнинг мол-мулкига хатлов қўйиш ёки бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишига чеклов қўйиш.

Судда даъвони таъминлаш билан боғлиқ ишларни юритишда ижрони амалга ошириш учун ихтиёрий муддат берилмайди.

Даъвони таъминлаш чорасини қўллаш тўғрисидаги иш юритувида даъвони таъминлаш чораси даъво аризаси бўйича иш юритувидан алоҳида олиб борилади. Бу чоралар суд томонидан алоҳида ажримга асосан қўлланилади ва ижрога юборилади. Шунинг учун ҳам даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризалар суднинг иш юритувида алоҳида институт сифатида тавсифланади¹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқ соҳасида даъвони таъминлаш институти иктисодий суд иш юритувида фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимояловчи, бузилган ҳуқуқларини тиклашга хизмат қилувчи муҳим воситадир.

А. ПАЙҒАМОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

¹ Шакарян М.С. *Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации*. - М.: Проспект, 2004. – С. 128.

² Ярков В.В. *Арбитражный процесс: Учебник*. - М.: Волтерс Клувер, 2003. – С. 275.

³ Круглова Н.Ю. *Хозяйственное право. Учебное пособие. 2-е изд., К84 испр. и доп.* – М.: Издательство РДЛ, 2001. – С. 53.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори 18-банди учинчи қисми.

⁵ Ярков В.В. *Арбитражный процесс: Учебник*. - М.: Волтерс Клувер, 2003. – С. 206.

⁶ Пулова Л.В. *Особенности применения обеспечительных мер в арбитражном процессе // Право и экономика. 2004. № 1.* – С. 75.

⁷ Ушивецова Д.А. *Обеспечительные меры в арбитражном процессе // Юрист. 2005. № 6.* – С. 60.

⁸ Ярков В.В. *Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации*. - М.: Волтерс Клувер, 2004. – С. 241.

⁹ Пучкарев Е.Г. *Решение - не фикция // ЭЖ-Юрист. 2003. № 35.* – С. 45.

¹⁰ Юсупов Т.Б. *Частное производство в современном арбитражном и гражданском процессе // Законодательство. 2001. № 11.* – С. 76-78.

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

Ижтимоий хавfli қилмиш жиноят объектив ва субъектив белгиларининг ўзаро алоқаси натижасида содир этилади. Субъект ва субъектив томон эса, субъектив белгилар тизимини ташкил қилади. Субъектив томон жиноят содир этган ёки содир этишга тайёргарлик кўраётган шахснинг онг ва ирода соҳаларида содир бўлаётган ички жараёнларни акс эттиради.

Субъектив томон жиноят таркибининг муайян айб шакли, асос, мақсад ва эмоциялар билан тавсифланувчи, жиноят содир этаётган шахснинг онги ва иродасида содир бўлаётган ички рухий жараёнлар ҳақида тасаввур берувчи элементдир.

М.Усмоналиевнинг фикрича, жиноятнинг субъектив томони қилмишнинг жиноят эканлиги ёки жиноят эмаслигини, агар жиноят бўлса, айб шакли қасддан ёки эҳтиётсизликдан эканлигини аниқлаб берувчи асосий мезон ҳисобланади¹.

Қилмишнинг субъектив томони жиноятни содир этиш вақтидаги бутун психологик фаолият бўлиб, унда тафаккур, ирода ва рухий жараёнлар тўлиқ бирликда ва ўзаро алоқада юз беради².

Жиноят таркибининг субъектив томони деганда, жиноят қонунида жиноят деб белгиланган ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмишига бўлган рухий муносабати тушунилади. Субъектив томоннинг белгилари қуйидагилардан иборат: айб, мотив, мақсад³.

П.Б.Бакунов қайд этганидек, айб шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавfli қилмиш ва унинг ижтимоий хавfli оқибатларига рухий муносабатини кўрсатувчи, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланувчи жиноятнинг ажралмас белгисидир⁴. М.Усмоналиев ҳам айб ва унинг шаклини жиноятларнинг ижтимоий хавfliлик даражасини тавсифловчи мезон сифатида кўрсатади⁵.

Субъектив томоннинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, у: 1) жиноий жавобгарлик асослари-

ни аниқлаш имконини беради; 2) жиноят тўғри таснифланишини таъминлайди; 3) объекти ва объектив томони ўхшаш жиноят таркибларини ажратиш имконини беради; 4) қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражасини аниқлаш ва бунинг натижаси ўлароқ, жиноий жазони индивидуаллаштиришга таъсир кўрсатади.

Шахсни ва унинг қилмишга муносабатини тавсифловчи субъектив унсурлар ҳам жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасига таъсир кўрсатади ва одатда, мустақил аҳамиятга эга бўлмайди, чунки шахснинг ижтимоий хавfliлиги ёки унинг муайян қилмиш содир этиш нияти ўз-ўзича жиноят-ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Фақат ижтимоий хавfli қилмишнинг содир этилиши, яъни объектив ижтимоий хавfliлик, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноий жавобгарлик учун асос бўлади. Бинобарин, ижтимоий хавfliлик жиноят таркибининг барча унсурларида ўз ифодасини топади ва субъектив унсурлар, объектив унсурларда намоён бўлиб, жиноятнинг ижтимоий хавfliлиги даражасини кучайтириши ёки пасайтириши мумкин.

Инсоннинг қилмиши шунчаки ҳаракат эмас, балки онгли, изчил, яъни субъектив ниятлар ва ижтимоий аҳамиятга эга оқибатларнинг узвий боғлиқлигида олинган ҳаракатдир.

Буларнинг барчаси жиноят таркибини таҳлил қилишда қилмишнинг субъектив томони ни атрафлича ўрганишни талаб этади. Зотан, ҳар бир жиноятда шахс иродасининг маълум мойиллиги ўз ифодасини топади, унинг содир этилган ёки содир этилаётган қилмишга муносабати намоён бўлади. Инсоннинг иродасига тафаккурга дахлсиз ҳодиса деб қараш мумкин эмас, шунинг учун ҳам онг (тафаккур) ва ирода юқорида зикр этилган муносабатнинг таркибий қисмлари ҳисобланади ва биргаликда айбнинг мазмунини ташкил қилади.

Терроризм билан боғлиқ жиноятлар субъектив томонининг ақлий (интеллектуал) жихати шу билан белгиланадики, айбдор терроризм билан боғлиқ жиноят содир этаётганлигини

англайди. Мазкур жиноятларнинг субъектив томони шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга руҳий муносабатини ўзида ифодалайди, тўғри қасд тарзидаги айб ҳамда муқаррар мақсад – тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш, терроризмни молиялаштириш билан тавсифланади.

Ҳар қандай жиноятнинг субъектив томони белгиларини ўрганишда мазкур қилмишнинг мотивлари ва мақсадларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Гарчи мотив жиноят қонуни нормасида бевосита кўрсатилган бўлмаса-да, уни аниқлаш жиноий қилмишни квалификация қилишда муҳим роль ўйнайди ва қонунда белгиланган махсус мақсаднинг борлиги ёки йўқлигини тўғри аниқлаш имкониятини беради.

Субъектив томоннинг мотив ва мақсади қасддан содир этилган ҳар бир жиноятга, шу

жумладан, инсоннинг ҳар бир онгли қилмишига хосдир. Ақли расо одамнинг ҳар қандай онгли, шу жумладан жиноий қилмиши маълум асослардан келиб чиқади ва муайян мақсадга эришишга йўналтирилади.

Жумладан, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жинояти субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади⁶.

С.В.Петрикованинг фикрича, ўзининг жиноятга тайёрланаётган, содир этган ёки содир этадиган шахс тўғрисида ишончли маълумотга эга эканлигини англаган ҳолда, субъект ушбу маълумот ҳақида сукут сақлайди. Бунда жиноятни содир этиш сабаблари (ўз манфаатлари учун кўрқиш, хабар беришга салбий муносабат, мафкуравий бирдамлик ва бошқалар) жиноятни малакалашга таъсир қилмайди.

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш жинояти субъектив томондан бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Биринчидан,

АННОТАЦИЯ

Маълумки, инсоният тамаддунининг тараккий этишида бир неча омиллар сабаб бўлади. Булар қаторида тинчлик ва барқарорлик аввалги ўринларни эгаллайди. XXI аср бошида жаҳондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ҳамда инсоният тақдири, унинг таракқиёти, равнакига таҳдид солаётган терроризм барча давлатлар, миллатлар бир ёқадан бош чиқариб курашиши зарур бўлган иллатга айланмоқда. Ушбу мақолада терроризм билан боғлиқ жиноятлар юридик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: терроризм, субъект, жиноят, айб, қасд, мотив, молиялаштириш, ақли расо, мақсад.

* * *

Известно, что в развитии человеческой цивилизации действуют сразу несколько факторов. Среди них на первом месте мир и стабильность. В начале XXI века терроризм становится угрозой миру и спокойствию, стабильности и развитию человечества, глобальной угрозой его прогрессу и процветанию, с которой должны бороться все страны и народы. Данная статья представляет собой правовой анализ преступлений, связанных с терроризмом.

Ключевое слово: терроризм, субъект, преступление, вина, заговор, мотив, финансирование, обоснование, цель

* * *

It is known that several factors are at work in the development of human civilization. Among them, peace and stability come first. At the beginning of the twenty-first century terrorism, which threaten the fate of humanity, its progress and prosperity, terrorism becomes a common evil that all countries and peoples must fight. This article is a legal analysis of crimes related to terrorism.

Key words: terrorism, subject, crime, guilt, conspiracy, motive, financing, justification, purpose.

жиноятни содир этиш усуллари террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида амалга оширилаётганлиги шахс учун аён бўлиши лозим.

Иккинчидан, жиний мақсад қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида белгиланган. Яъни, мазкур жиноят субъектив томондан террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида содир этилади.

Терроризмни молиялаштириш жиноятининг субъектив томонига эътибор қаратиш зарур. Мазкур жиноятнинг субъектив томони тўғри қасд бўлиб, шахс ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфлилигини билиши, англаши ҳамда ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишини хошлаши лозим.

Терроризмни молиялаштириш фақат тўғридан-тўғри, аниқ мақсад билан амалга оширилади. Жиноятчининг терроризмни молиялаштириш учун маблағ тўплаш ёки молиявий хизмат кўрсатиш шаклида унинг қилмишининг ижтимоий хавфлилигини тан олиши тўғридан-тўғри мақсад ҳисобланади.

Бу борада С.Ю.Богомолов таъкидлаганидек, терроризмни молиялаштиришнинг асосий мақсади дунё хавфсизлигини беқарорлаштириш, ҳокимиятни эгаллаб олиш ва иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашдан иборат бўлган халқаро террорчилик фаолиятининг алоҳида шаклидир.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда терроризмни молиялаштиришнинг асосий ва кўшимча сабаблари ажратиб кўрсатилади. Хусусан, асосий сабаблар (омиллар) сифатида: а) сохта исломий ва унга яқин диний оқимлар (мазҳаблар)нинг кенг тарқалишига асосланган диний сабаблар; б) янги ҳудудларни эгаллашга ва иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашга йўналтирилган иқтисодий сабаблар (омиллар) кўрсатилади.

Терроризмни молиялаштиришда ҳисса қўшувчи кўшимча бирлаштирувчи сабаблар (омиллар) сифатида қуйидагилар кўрсатилади: а) жамиятда бўлинишни келтириб чиқарадиган ва терроризм мафқурасининг тарқалиши учун қулай шароит яратадиган ижтимоий-сиёсий ва маданий зиддиятлар; б) терроризм таҳдид-

ларининг табиати ва уни молиялаштириш, шунингдек террорчилик фаолиятининг моҳияти тўғрисида жамоатчилик фикрининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган жамиятни ҳаддан ташқари ахборотлаштириш⁷.

Жиноят субъекти ҳам жиноят таркибининг субъектив белгилари жумласига киради. Жиноят ҳуқуқида жиноят субъекти деганда, жиноят содир этгунга қадар жиний жавобгарлик ёшига тўлган, ақли расо жисмоний шахс тушунилади. Бу ҳақда Қ.Р. Абдурасулова ақли расолик айб ва жавобгарликка тортишнинг зарурий шартини ҳисобланади⁸, деганида мутлақо ҳақ эди.

Ўн олти ёшга тўлган ва жиноятни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида содир этган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс) ЖК 17-моддасининг биринчи қисми қоидаларига мувофиқ терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг субъекти бўлиши мумкин.

Жиноят содир этган муайян шахснинг жиний жавобгарлиги ва уни жазога тортиш масаласини ҳал қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шахсни жиний жавобгарликка тортиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлабгина қолмасдан, мазкур субъект айнан мана шу муайян ҳолатда жавобгар ва жазога лойиқлигини аниқлашни ҳам назарда тутати.

Маълумки, шахснинг ёши ва ақли расолиги жиноят субъектини жиноят таркибининг унсурини сифатида тавсифловчи белгилар жумласига киради. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс шарҳланаётган жиноят субъекти бўлиши мумкин. Аммо, бу ерда ёш туғилган куннинг бошланиши эмас, балки тамом бўлишига қараб аниқланади, яъни, шахс туғилган кунининг эртасига қонунда белгиланган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

«Жиноят субъекти, – дейди Г.Н.Борзенков, – бу қасддан ёхуд эҳтиётсизликдан жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавfli қилмишни содир этган тақдирда жиний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс». А.В.Арендаренко бу ҳақда шундай ёзади: «Жиноят субъекти жиний жавобгарлик ёшига етган, ақли расо жисмоний шахсдир».

Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, ақли расо шахсларгина жиний жавобгар деб

топилиши инсонпарварлик ва одиллик тамо-йилларининг ўзига хос ифодасидир.

Инсоннинг маълум руҳий-физиологик хусу-сияти унинг ёши билан боғлиқ бўлади. Қонун-да жиноий жавобгарлик ёшининг белгилани-ши биринчи навбатда шу билан изоҳланадики, бу ҳолат шахснинг ақлий ривожланиши, унинг ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бериши ва уларни бошқариш қобилияти билан боғлиқ, шунинг учун ҳам ҳар бир муайян ҳолатда шахснинг ёшини аниқлаш жиноят қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни жиноят субъекти, деб то-пиш учун зарурдир. Маълум ёшга тўлганлик шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шартларидан биридир. 16 ёшга тўлма-ган шахслар мазкур жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Чунки, улар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдилар ва уларни онг-ли равишда бошқара олмайдилар.

Ш.Ё.Абдуқодиров қайд этганидек, жиноий жавобгарлик ёши қонун чиқарувчи томони-дан ихтиёрий равишда белгиланмайди, балки шахснинг руҳий-физиологик, ижтимоий-руҳий ўсиш даражасини, шунингдек, криминологик мезонларини эътиборга олган ҳолда қабул қи-линади. Мазкур хусусиятларнинг йиғиндиси инсоннинг жиноят қонунда белгиланган ёшга етиши, унинг мазкур ёшдан бошлаб Жиноят кодексида жиноий қилмиш каби тақиқланган хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилигини тушуна олишидан далолат беради⁹.

«Ақли расолик» атамаси азалдан жино-ят-ҳуқуқий категориялар қаторига киритил-ган. Р.И.Михеев фикрига кўра, «ақли расолик» фақат жиноят қонунда назарда тутилган ижти-моий хавфли қилмишга татбиқан мавжуд ва ун-дан ташқарида ўз аҳамиятини йўқотади. Жино-ят ҳуқуқида ақли расолик жиноят субъектини, яъни, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни тавсифловчи белгилардан бири ҳисоб-ланади. Шу сабабли ақли расолик тўғрисида фақат қонунга итоаткор хулқ-атвордан оғиш юз бергани аён бўлган ва бундай хулқ-атвор-ни айблаш зарурияти юзага келган ҳолдагина сўз юритилиши мумкин. Бинобарин, ўз жонига суикасд қилган шахсга «ақли расолик» тушун-часини татбиқ этиш мумкин эмас, чунки айни ҳолда бирон-бир ҳуқуқий норма бузилмаган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, терроризм ва у билан боғлиқ бўлган жиноятларни со-дир этаётган шахсларнинг ёшини, шунингдек мазкур ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ортиб бораётганлигини инобатга ол-ган ҳолда ушбу жиноятлар учун жавобгарлик ёшини 16 ёшдан 14 ёшга пасайтириш мақсадга мувофиқ.

Ж. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
академияси
мустақил изланувчиси

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 193-б.

² Уголовное право: учебник / Под ред. проф. Н.И.Ветрова, проф. Ю.И.Ляпунова. – 4-е изд., испр. и доп. – М.: Юриспруденция, 2007. – С.103-104.

³ Очилов Ҳ.Р. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): Саволлар ва жавоблар. Ўқув-услубий қўлланма / Маъсул муҳаррир: проф. Ф.Тахиров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 33-б.

⁴ Бакунов П. Айб – жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. – Тошкент: Адолат, 2006. – 58-60-б.

⁵ Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 17-б.

⁶ Клименко Ю.А. Несообщение о преступлении (статья 205.6 УК РФ): юридическая природа, соотношение с укрывательством и соучастием в терроризме // Актуальные проблемы российского права. – 2017. – №9 (82). – С. 163-170.

⁷ Богомолов С.Ю. Причины финансирования терроризма: криминологическое исследование // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской Академии МВД России. – 2016. – №2(34). – С. 250-254.


⁸ Абдурашулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 6-б.

⁹ Абдуқодиров Ш.Ё. Қонунга хилоф тадбиркорлик билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик му-аммолари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. –79-б.

САМАРҚАНД ҚОЗИЛИК МАҲКАМАЛАРИ ТАРИХИ ТАЖРИБАСИДАН

Ўтган уч йилда суд-ҳуқуқ тизимини янгилаш, уни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи демократик давлат механизмига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, миллий давлатчилик анъаналари жадаллик билан тараккий этиб бораётган даврда жамиятни демократлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигининг ўсиб бориши суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда.



Шу сабабли, суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини танқидий ўрганиш, шунингдек ривожланган хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқий механизми амалиётда қўллаш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бирок, мазкур соҳадаги тарихий тажрибани ўрганиш, хусусан, 1868 – 1920 йиллардаги ўзбек ҳуқуқшунослари фаолияти замонавий тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетаётганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур даврда қозилик маҳкамаларида судловнинг йўлга қўйилиши, қонунийлик ва адолат тамойилларига амал қилиниши, шаръий ва ҳуқуқий атамаларнинг аниқ ва лўнда изоҳланиши, Россия империяси ҳуқуқий тизимидан кириб келган атамаларнинг амалиётда қандай қўлланилганлиги даражасини аниқлаш мазкур йўналишда мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни такозо этмоқда¹.

Ушбу изланишларни олиб бориш ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари бўлган тилшунослар, шарқшунослар, адабиётчилар, тарихчилар ва энг муҳими, ҳуқуқшунослар ҳамкорлигини йўлга қўйишни талаб этади.

Жумладан, республика давлат архивлари, кутубхона ва музейларида сақланаётган қозилик фондлари таркибидаги ҳужжатлар Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида фаолият олиб борган миллий ҳуқуқшунослик мактаби тажрибаларига оид номаълум саҳифалар мавжудлигидан далолат беради.

Қозиларни тайинлаш анъанасига кўра, қатор талаблар эътиборга олинган. *Қозидан беш хислат бўлса, у мукамал ҳисобланган: ўзидан аввалги устозлар илми ва амалиётини ўрганиши, таъмадан сақланиши, томонларга нисбатан ҳолис муносабатда бўлиши, ҳанафий мазҳаби имомларига иқтидо қилиши ва аҳли илм билан маслаҳатлашиши.*

Қозилик мансабига алоҳида шахслар ҳукмдор томонидан тайинланиб, уларнинг мавқеи давлат арбоблари билан тенг бўлган.

Дарҳақиқат, қадимдан Туркистон заминидан эл осойишталигини таъминлаш, фуқарога ҳар томонлама ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам бериш, уларга жабр қилган шахсга нисбатан чора кўриш ва ҳукм чиқаришда адолатли бўлишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Самарқанд қозилик маҳкамасида фаолият юритган қозиларнинг меросини ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Самарқанд уездида йигирма йилдан зиёд қозилик лавозимида фаолият кўрсатган Мулло Муҳаммад Мусо Қодиркули ўғли шулар жумласидандир. У 1864 йилда Самарқанд области, Пайариқ районида таваллуд топган, илм излаб 16 ёшида Бухорога келади ва дунёга машхур диний уламолар-


ни етиштирган нуфузли илм даргоҳи Мир Араб мадрасасини тамомлаб, кейин мазкур мадрасада мударрислик қилган. 1903 – 1916 йиллари Самарқанд области, Самарқанд уездида народний судья лавозимида фаолият юритган.

Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланаётган 1904 йилдаги китобдан араб орфографиясида, эски ўзбек ёзувида битилган қуйидаги ёзувларни ўқиш мумкин:

«Қози Мулло Муҳаммад Мусо ибн Мулло Қодиркули 1321 йил ҳижрий ва 1903 йил милодий 1 январиди заиф банди (каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, Самарқанд уездиди Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьясига² Хўжа Исмоил қишлоғи фуқароси Норкулбой Тошмуродбой ўғли ҳозир бўлиб арз қилдиким, мазкур қишлоқ фуқароси Жабборкулбой Бўри Жебочи ўғли зиммасига олган, менинг 50 боғ беда ва 160 танга (бир саман от қийматида) қарзимни ноҳақлик қилиб бермаяпти. Арз қилувчи ўз ихтиёр ва розилиги ила тубанда қўлларини қўйиб, арзини хоҳиш қилди»³.

Қози ушбу оғзаки арзни қайд этиб, тасдиқлаб ва муҳрини босган.

Ушбу масала юзасидан қози томонларни маҳкамага ҳозирлаб, суриштирувдан сўнг



қуйидаги ҳужжатни расмийлаштирган:

«Қарор: 1904 йил 1 январиди Самарқанд уездиди Ишим-Оқсоқ волости халқ судьяси қози Мулло Муҳаммад Мусо Мулло Қодиркули ўғлидурман, заиф банди, мазкур ойда тасдиқ бўлган даъво тўғрисида Норкулбой Тошмуродбой ўғлининг Жабборкулбой Бўри Жебочи ўғли устидан берган аризаси икки тарафлар муддаий ва муддао алайҳни (даъвогар ва жавоб-

гар)ларни ўз ҳузуримга ҳозир қилиб сўраганимда, мазкур муддаий муддао алайҳнинг зиммасида 50 боғ (тоза ва қуритилган) беда ва 160 танга (бир саман от қиймати) пули юзасидан шаръий ривоят келтиргани сабаб муддао алайҳ бунга иқрор қилди.

Муддаий ўзининг пулини ва бедасини жавобгардан олганига гувоҳлардан Амирбой Турсун оқсоқол ўғли ва Жўра Дархоҳ Бектемирбой ўғилларини гувоҳлантириб, муҳримни босдим.

Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича таҳқиқ қилдим (ҳақиқатни юзага чиқардим).

Бу ишнинг сўровига чақирилганларнинг ҳаммаси келди.

Муддао алайҳ Жабборкули Бўри Жебочи ўғли Ишим-Оқсоқ волости Хўжа Исмоил қишлоғи, Муддаий Норкули Тошмуродбой ўғли ҳукмнинг нусхаларини олди»⁴.

Қозининг ҳукмига кўра, даъвогарга 160 танга, 50 боғ беда ундириб берилган. Жавобгардан 11 сўм 25 тийин қозилик ҳисобига бадал тўлови олинган.

Қарордан Нормуродбой Тошмуродбой ўғлига кўчирма берилган.

Чиқарилган ҳукм ва кўчирманинг ҳаққонийлигини тасдиқлаб, Ишим-Оқсоқ қози муҳри босилган. 11 сўм 35 тийин қозиликка ундирилган.

Аслида, қозининг ёзма қарори ҳақиқий ижро кучига эга бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак бўлган:

ҳужжатга қозининг лавозимини тасдиқловчи давлат раҳбари томонидан берилган қозининг исми, қозилик ҳукми ўтадиган ҳудуд номи туширилган муҳр нишонаси бўлиши;

ёзма қарор ёки ҳукм ҳошиясида юридик жиҳатдан асосланадиган далил – ҳужжат, олинган манба ва шахс номи кўрсатиб қўйилиши;

ёзма қарорда кўрилган ишнинг ёки мурожаатноманинг қисқача мазмуни ва сабаблари кўрсатиб ўтилиши;

ёзма қарор қўзғатилган маҳкама иши бўлиб, унда албатта, гувоҳларнинг исми ша-

рифи ва даъвогарларнинг даъвоси қози томонидан асослаб ёзиб қўйилиши;

ёзма қарорда ҳужжат ёки даъво иши қўрилган жой, сана, ой, кун кўрсатилиши.

Шуниси муҳимки, қози маҳкама жараёнида даъво ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратган. Агар бир киши маҳкамага даъво билан келса, қози ундан даъвоси юзасидан ҳужжат ёки далил келтиришини талаб қилган. Жавобгарнинг иқрори ҳужжат ўрнига ўтган. Ушбу ҳужжатни гувоҳлар тасдиқлаши керак бўлган. Одатда, даъвогарнинг далили бўлса-да, лекин даъвосини янада қувватлаш учун гувоҳларни ҳам ҳозир қилган. Кўчмас мулкка нисбатан даъво қилинган ҳолатда қози маҳкамада гувоҳлардан ҳовли ёки ернинг умумий майдони қанчалигини сўраган. Шундан сўнг, қози даъво қилинаётган ерга бориб, гувоҳлар ва даъвогардан кўчмас мулкнинг тўрт томондан чегараларини кўрсатиб беришни талаб қилган.

Ҳар қандай қозилик маҳкамаси ҳужжатини расмийлаштиришда қозининг ёзма қарори ва ҳукми муҳим бўлиб, у муҳрланиши ва хошиясига ёзма қарор таянган далил ёки фатво ёзиб қўйилиши шарт бўлган. Кўп ўринларда қози таянган далили устига ўз муҳрини қўйган.

Масалан, қози кўраётган иш юзасидан гувоҳлик берган кимсанинг ёлғончи тоифадан эканлиги аниқланса, унинг кўрсатмалари инобатга олинмаган. Шунингдек, аввал ҳад жазоси олган ёки динида ва эътиқодда мустаҳкам бўлмаган кимсалар ҳам гувоҳликка номуносиб топилган. Шунингдек, золим, оиласига бефарқ, кунларини карвонсаройларда ўтказадиган, риёкор, судхўр, беҳуда сўзловчи, мажнун, беникоҳ туғилган бола, масхарабоз, ит ёки хўроз уриштирувчи кишилар ҳам гувоҳликка номуносиб тоифа сифатида таъкидланган. Чунки, бу турдаги кишиларнинг адолатидан фитнаси устунроқ, деб ҳисобланган⁵.

Одатда, ҳаёт тарзи ва феълида мусулмонлик сифатлари кўриниб турган, гапида ёлғон ҳамда беҳуда сўзлар бўлмаган жиддий кишиларнинг гувоҳлиги қабул қилинган.

Демак, қозилик маҳкамаларида қўрилган даъво ва муаммоли масалаларни ечишдан асосий мақсад ҳақни қарор топтиришга ҳаракат бўлган. Чунки, гувоҳликка ўтган кимсанинг тўғрисиўзлиги ва адолатли эканлигига кишилар кафил бўлган тақдирда ҳам, агар у берган гувоҳлик шубҳали ёки аниқ далилларга асосланмаса, қози унинг гувоҳлигини қабул қилмаган. Яъни, гувоҳдаги намозхонлик ёки художўйлик хислатлари адолатли қарорни қабул қилиш учун етарли ҳисобланмаган. Гувоҳлик кўрилатган бирор-бир даъво юзасидан асосли далилларга таянилган ҳолатда келтирилиши лозим бўлган.

Қози ўз мажлисларида даъво ишини кўриш ва иш юзасидан ҳукм чиқариш борасида нисбатан эркин бўлган. Чунки, қози асосан, Қуръон, сунна, саҳобаларнинг қарашлари, олдинги қозилар чиқарган ҳукмлар ва урф асосида ҳукм чиқариши лозим ҳисобланган⁶.

Чор Россияси Ўрта Осиё худудларини босиб олганидан сўнг ўлкада мустамлака бошқаруви ўрнатилган.

1867 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга асосан, маҳаллий қози ва бийлар судлари «Халқ судлари» номи билан қайта тикланган ва мазкур лавозимларга сайлов асосида кишилар тайинланган.

Ўзбекистон Миллий архивнинг 381-фондида сақланаётган 1916 йилдаги китобдан араб орфографиясида, эски ўзбек ёзувида битилган қуйидаги сатрларга эътибор бериш ўринли:

«Қози Мулло Муҳаммад Мусо ибн Мулло Қодиркули 1334 йил ҳижрий ва 1916 йил милодий 15 январиди заиф банда (каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, Самарқанд уездида Ишим-Оқсоқ халқ судьясига Ишим-Оқсоқ волости Ўқлон қишлоғи фуқароси Анорой Эшонқулибой қизининг вакили шаръийси Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли мазкур қишлоқлик Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли васий шаръ-

ийлигидаги сағиранинг отаси Жонибек Исматиллоҳ ўғли ҳоли ҳаётлик даврида 270 танга қарздор бўлиб, ўтган сана 1915 йилда сафар ойда тилхат бериб қарздор сифатида айтилган. Шу меросдан мазкур сағира (во-яга етмаган)⁷ Анорой Эшонқулибой қизига 67 тангаси тегишли бўлган. Шуни шаръий ривоят билан талаб қилди.

Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли зиммасидаги сағиранинг 67 тангасини ноҳақлик қилиб бермаяпти.

Шаръий васий ўз ихтиёр ва розилиги ила тубанда қўлларини қўйиб, арзини хоҳиш қилди.

Қози шу арзни тасдиқлади ва мухрини босди.

Қарордан Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли ва Тоғаймуродбой Эшонқулибой ўғлига кўчирма берилди. Даъвогарга 67 танга ундирилди.

Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича ҳақиқат қилдим.

Бу ишнинг сўровига чақирилганларнинг ҳаммаси келди.

Муддаи алай Тоғаймуродбой Эшонқулибой ўғли Ишим-Оқсоқ волости Ўқлон қишлоғи, Муддаи Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли ҳукм нусхаларини олди.

Ушбуларнинг ростлигини Ишим-Оқсоқ қозиси тасдиқлайман ва муҳр қўяман»⁸.

«Қарор: Қози Мулло Муҳаммад Мусо ибн Мулло Қодиркули 1334 йил ҳижрий ва 1916 йил милодий 15 январиди заиф банда (каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, ўз ҳузуримга Ишим-Оқсоқ волости Ўқлон қишлоғи фуқароси Тоғаймуродбой Эшонқулибой сағира Анорой Эшонқулибой қизи устида берган аризаси бўйича икки тарафни чақириб сўрадим.

Даъвогар сағира Анорой номидан Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли вакили шаръий бўлиб келди ва иқдор қилдики, Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли Ўқлон қишлоғилик Жонибек Исматиллоҳ ўғлидан унинг ҳоли ҳаётлик даврида 270 танга қарздор бўлиб, тилхат берган. Тоғайбой Эшмуродбой ўғли

зиммасига олганидан, сағиранинг 67 тангасини ноҳақлик қилиб бермаган.

Ушбу мерос пулидан 67 тангани сағира Аноройга беришни лозим топдим.

Муддао-алайх Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли иқдор бўлди.

Муддаи Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли шаръий васийлигидаги сағиранинг пулини муддао-алайх Тоғаймуродбой Эшонқулибой ўғлидан олганига гувоҳлантириб муҳримни босдим.

Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича ҳақиқат қилдим».

Айтишларича, «таваккул» – дунё ва охираг ишларида фойдани кўзлаб ҳаракат қилиш ва зарарни кетказишда Аллоҳ таолодан сидқидилдан умид қилишдир. Бунда қозилик амалининг савобидан таваккул келтируш ва қозилик амалининг қабул бўлиш-бўлмаглигидан кўрқиш ҳар иккала қарорларда бандаи зифликнинг такрорланиши билан ифодаланади.

Қози бажарган суд ва нотариал ҳужжатлар рус ҳарбий администрациясидан олинган махсус китобларда қайд қилинган.

Шуниси қизиқки, мазкур китобларда бажарилаётган суд ва нотариал ҳаракатларнинг мазмунини ифодалаш учун ҳозиргидай алоҳида графалар ва муҳр формулярлари мавжуд бўлган.

Барча суд ва нотариал ҳаракатларнинг шакли бир хилда расмийлаштирилганига қарамасдан, улар ўз мазмунига кўра ҳал қилинаётган ишнинг моҳияти ва маҳаллий аҳоли томонидан 13 йил давомида содир қилинган ҳуқуқбузарликлар тавсифига қараб, барчаси хилма-хилдир.

Қозилик ва нотариал ҳаракатлар, асосан, эски ўзбек тилида, араб ёзувида расмийлаштирилган бўлиб, айрим жойларда форсий ҳам ишлатилган. Суд қарорларида мураккаб низоларнинг ҳал қилинишида фойдаланилган араб манбаларининг (тегишли китоблар) рўйхати қози томонидан қайд қилинганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Чор Россияси администрацияси томонидан «народний судья»ларни ҳар уч йилда сайланадиган ва иш юритиш тилини ўзбек тили деб белгиланган тартиб жорий қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Народний суд қарорлари устидан томонлар судлар съездига ва фавқулодда судлар съездига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Архив ҳужжатларига кўра, Қози Мулло Муҳаммад Мусо ибн Мулло Қодирқули томонидан 39 ёшида битилган ҳуқуқий ҳужжатлар у кишининг ҳуқуқий ташаббускорлиги, юксак билимлар билан майдонга чиқадиган, теран фикр юритадиган, салоҳиятли ва малакали қози бўлганидан далолат беради.

Замонамиз жуда тез ривожланиб, ҳамма соҳага янгиликлар кириб келаяпти. Уларни ўзлаштириб олиш учун ақл-идрок, пухта билим, тинимсиз изланиш талаб этилади. Қозилар ҳуқуқий меросини чуқур ўрганишимиз бизнинг салоҳиятимизни янада оширади.

Бу борада юқорида баён этилган тарихи-

мизнинг ўқилмаган саҳифалари бизга кўп қимматли маълумотлар беради.

Айниқса, XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистонда фаолият олиб борган қозиларнинг амалий фаолияти ёзма манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган Жунги фатово ва Ўзбекистон Миллий архивидаги қозилар қарори китоблари асосида қозиликнинг мазмун ва моҳияти, унинг шаклан ўзгариб бориши, шариат ва чоризм қонунлари қандай қилиб биргаликда қўлланилгани, шунингдек қозилар томонидан фойдаланилган манбалар ва ҳукмларни расмийлаштириш тартибини ўрганиш жуда муҳимдир.

Т. УМАРОВ,

**Бош прокуратура бошқарма
бошлигининг ўринбосари,
юридик фанлар доктори,**

Н. МИРЗАЕВ,

**Ўзбекистон халқаро Исло
академияси таянч докторанти**

¹ Қаранг: *Адресь-Календарь Самаркандской области (по сведениям августа месяца 1911 г.) / Издание Самаркандского областного статистического комитета. Выпуск XVI, Самаркандь, Типо-Литография Т-ва Газаровъ и К.Сливяновъ, 1911 г.*

² *Батафсилроқ қаранг: Благовещенский В.П. Ишим-Аксацкая волость. Данные экономического исследования волости в 1893-94 г.г. – Справочная книжка Самаркандской области (далее СКСО) Вып. 4 Самарканд, 1896.*

³ *ЎзМА ф.И-381, 1-рўйхат /Самаркандская область, Казий Ишмаксакской волости Самаркандского уезда манзилида: 24 жилдда 607-варақда сақланаётган Мулла Муҳаммад Мусо Мулла Қодирқул ўғлининг 1903-1916 йиллардаги қозилик қарорлари, 1-12 – б.*

⁴ *ЎзМА ф.И-381, 1-рўйхат /Самаркандская область, Казий Ишмаксакской волости Самаркандского уезда манзилида: 24 жилдда 607-варақда сақланаётган Мулла Муҳаммад Мусо Мулла Қодирқул ўғлининг 1903-1916 йиллардаги қозилик қарорлари, 23-32 – б.*

⁵ *Батафсил қаранг: И.Бекмирзаев, Н.Мирзаев. Ислолда қозилик маҳкамалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, «Qadrius Media» нашриёти, 2019. 30-50 – б.*

⁶ *Ўша жойда: Ислолда қозилик маҳкамалари. 32 – б.*

⁷ *Ўрганилаётган даврдаги етимлар масаласи бўйича батафсил қаранг: Н.Мирзаев. Тошкент шаҳар Кўкча даҳаси қозисининг «Сағирлар дафтари» XIX аср ижтимоий тарихини ўрганишида манба сифатида. ЎзР ФА ТИ. Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожини кеонтекстида. Тарихшунослик ва манбашунослик очерклари. Тошкент: Yangi nashr, 2014. 303-307 – б.*

⁸ *ЎзМА ф.И-381, 1-рўйхат /Самаркандская область, Казий Ишмаксакской волости Самаркандского уезда манзилида: 24 жилдда 607-варақда сақланаётган Мулла Муҳаммад Мусо Мулла Қодирқул ўғлининг 1903-1916 йиллардаги қозилик қарорлари, 35-42 – б.*